

ISSN 2181-9521

№ 1-son, 2021



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



# “АДОЛАТ БУ – ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ

2020 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Олий Мажлисга ва у орқали Ўзбекистон халқига навбатдаги тўртинчи Мурожаатномасини йўллади.



*“Адолат бу – давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.”*

*“Янги йилдан бошлаб жорий этиладиган “бир суд – бир инстанция” таъминли суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлашда бош мезон бўлиши лозим.”*

*“Келгуси йилдан бошлаб бир-бирини такрорлайдиган суд босқичлари қисқартирилади. Одил судловга хос бўлмаган ишларни назорат тартибида кўриш амалиёти бекор қилинади.”*



# МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР”



*“Янги йилдан бошлаб фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишлари бўйича вилоят даражасидаги 3 та судлар битта суд сифатида бирлаштирилади. Бу янгилик аҳоли ва тадбиркорларга катта қулайликларни яратади. Шунингдек, келгуси йилдан суд муҳокамасига қадар судда ишларни дастлабки эшитиш амалиёти янги тартиб сифатида жорий этилади. Бунда ишни тўхтатиш ёки тугатишга асос етарли бўлса, суд ишни аввалгидай тергов ёки прокурорга қайтармасдан, ўзининг якуний қарорини қабул қилади.”*

*“Инвесторлар ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида Олий судда инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилди. Энди инвесторлар, ўз хоҳишига кўра, низоли ҳал қилиш учун тўғридан-тўғри Олий судга мурожаат қилиши мумкин.”*

*“Суд тизимида рақамлаштириш янада кенгайтирилиб, фуқароларимизга суд биносига келиб юрмасдан, “онлайн” тартибда мурожаат қилиш имконияти яратилади. Шунингдек, фуқаролар ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб кузатиб бориши мумкин бўлади.”*



**“ODILLIK MEZONI”**

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

**Ҳамкорлар**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ****Кенгаш раиси**

Убайдулла МИНГБОЕВ

**Кенгаш аъзолари**

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ

Дилшод АРИПОВ

Комил СИНДАРОВ

Илҳом НАСРИЕВ

Малика ҚАЛАНДАРОВА

Беҳзод МЎМИНОВ

Шерзод ЮЛДАШЕВ

**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи муҳаррир**

Шахбоз САИДОВ

**Саҳифаловчи дизайнер**

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 25.01.2021 да руҳсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табок

Буюртма № 12 Адади 1800

Баҳоси келишилган нархда

«Aldin-group» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй

**МУНДАРИЖА**

МУНОСАБАТ

**6**

**“...ЧИНДАН ОДИЛ БЎЛСАНГ – ПОЙИНГДА ДУНЁ”**

**7**

МУНОСАБАТ

**МУРОЖААТНОМА: ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ – ЭНГ ЮКСАК ҚАДРИЯТ**

МУНОСАБАТ

**8**

**“АДОЛАТ БУ – ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР”**

**9**

МУНОСАБАТ

**МУРОЖААТНОМА – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ**

МУНОСАБАТ

**10**

**ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ – СУДГА ҚАДАР БОСҚИЧЛАРДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ**

**11**

МУНОСАБАТ

**ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ТАРКИБ ИНВЕТОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ**

МУНОСАБАТ

**12**

**МУРОЖААТНОМА – ИНСОНПАРВАРЛИК ФОЯЛАРИ АКС ЭТГАН ҲУЖЖАТ**

**13**

ИБРАТ

**БУРГУТ, ЗАҒЧА ВА ЧЎПОН**

МУҲИМ МАВЗУ

**14**

**СУДЬЯ ДАХЛСИЗЛИГИ – УНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ КАФОЛАТИДИР**

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

16

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА  
ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА  
ПРОКУРОРНИНГ АЙРИМ  
ВАКОЛАТЛАРИ:  
КІЇСІЙ-ҲУҚУҚІЙ ТАҲЛИЛ

20

ЭКСПЕРТ ФИКРИ

СУД НАЗОРАТИ:  
МУАММО ВА ЕЧИМ

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

24

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ  
ПАРЛАМЕНТНИ ЯНАДА  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

29

НУҚТАИ НАЗАР

СУД ИШЛАРИ ЮРИТУВИДА  
СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИК

ТАДҚИҚОТ, ТАҲЛИЛ

32

СУДЯЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ  
ВА ФАҚАТ ҚОНУНГА БЎЙСУНИШИ  
ПРИНЦИПНИНГ НАЗАРИЙ-  
ҲУҚУҚІЙ ЖИҲАТЛАРИ

34

КІЇСІЙ ТАҲЛИЛ

СУДЛАРДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ  
ИНСТИТУТИНИНГ ТАРИХИЙ  
РИВОЖЛАНИШИ

МОЗИЙДАН САДО

38

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ВА ЦИН  
ИМПЕРИЯСИ (ХИТОЙ) ШАРТНОМАСИ

40

МУЛОҲАЗА

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС  
ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА  
КУЧАЙТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

42

МЕНИНГ ФИКРИМ

ДАВЛАТ АЙБЛОВЧИСИНИНГ СУД  
МУҲОКАМАСИДАГИ ИШТИРОКИ

СУД ОЧЕРКИ

44

ҲАСАД КЕЛТИРГАН ҲАСРАТ

46

БОБОЛАР ТАФАККУРИДАГИ АДОЛАТ

“ГУНОҲКОРГА ҲАМ, БЕГУНОҲГА ҲАМ  
РАҲМ-ШАФҚАТ БИЛАН, ҲАҚҚОНИЯТ  
ЮЗАСИДАН ҲУКМ ЧИҚАРДИМ”

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

47

ЦИФРОВАЯ ФОРМА СУДЕБНЫХ  
РЕШЕНИЙ — ЗАЛОГ ОБЕСПЕЧЕНИЯ  
ВЕРХОВЕНСТВА ПРАВА

50

СУДЕБНО-ПРАВОВАЯ РЕФОРМА

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНСТИТУТА АДВОКАТУРЫ  
В УЗБЕКИСТАНЕ - ВАЖНЫЙ ШАГ В ОБЕСПЕЧЕНИИ  
ГАРАНТИЙ ПРАВ И СВОБОД УЧАСТНИКОВ  
УГОЛОВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА

ВАЖНАЯ ТЕМА

54

ДОГОВОР — ГАРАНТИЯ ЗАЩИТЫ

56

INTERNATIONAL EXPERIENCE

THE OFFENSE OF OBSTRUCTING OR  
ASSAULT ON A POLICE CONSTABLE:  
THE ANALYSIS OF BRITISH CASE LAW

ANALYSIS

59

REQUIREMENTS FOR THE PROFESSIONAL  
ETHICS OF JUDICIAL STAFF AND THE  
EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES

62

ТАҚДИМОТ

ЎЗБЕКИСТОН СУД ТИЗИМИДА ИЛК БОР  
СУДЯЛАР КЛУБИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ



## “...ЧИНДАН ОДИЛ БЎЛСАНГ – ПОЙИНГДА ДУНЁ”

Убайдулла МИНГБОЕВ, Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси  
раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Мурожаатномада алоҳида қайд этилганидек, 2020 йил нафақат юртдошларимизга, балки, бутун дунё ҳамжамиятига жуда катта ташвиш келтирган, синовлар йили бўлиб тарихга айланди.

Мен айни пайтда 85 ёшни қарши олаётган бўлсам, ҳаётим давомида халқимиз бошига тушган жуда кўп синовларни кўрганман. Болалигим, инсоният тарихидаги энг катта қирғинга сабаб бўлган Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. Ундан кейинги даврларда ҳам ўзбек халқига кўплаб турли кулфатлар келтирган, унутиб бўлмайдиган воқеа-ҳодисаларга ҳам гувоҳ бўлганман. Мана шундай мураккаб синовларни бошидан ўтказган инсонлардан бири сифатида, айтишим керакки, мамлакатимизда бугун инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак ИНСОНПАРВАРЛИК намунасидир. Қуйида келтирилаётган рақамларга жиддий эътибор қилинг: “қисқа муддатда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда барча шароитларга эга бўлган қарийб 30 минг ўринли даволаш масканлари ташкил этилди. Улар зарур дори-дармон, ҳимоя ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланди.

**Пандемияга қарши курашиш учун**

**200** мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик **150** нафар юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилди.

Хориждан **600** мингдан ортиқ ватандошларимиз юртимизга олиб келинди. Чет элда қийин аҳволга тушиб қолган **100** мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами **82** триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.”

Ривожланаётган иқтисодиётга жиддий зарба берган пандемия шароитида юқорида келтириб ўтилган амалий ишлар осонлик билан қилинган эмас. Бу рақамларнинг тагида жуда катта меҳнат ва матонат ётишини ҳаммамиз теран англашимиз лозим, деб биламан. Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада алоҳида таъкидлаб ўтганидек, “Халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органла-

рининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд қийинчиликларни мардона енгиб ўтмоқдамиз.”

Фурсатдан фойдаланиб, бугун судьяларимиз олдида турган энг муҳим вазифалар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Ўзбекистонимиз тараққиётидаги туб бурилиш палласида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашда судья ва суд тизими ходимлари ўзларининг фаолиятига ниҳоятда масъулият билан ёндашиши талаб этилади. Унутмангки, Сизлар томонингиздан қабул қилинаётган қарорлар нафақат инсон тақдири билан, балки, давлат ва жамият тараққиёти тақдири билан чамбарчас боғлиқдир.

Мен кўп йиллик ҳаётий ва суд соҳасидаги иш тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, ён-атрофимизда судьяга турли йўллар билан таъсир ўтказиб, унинг адолатли қарор чиқаришига қаршилик кўрсатувчи баъзи бир кимсалар ҳам бор. Афсуски, айрим судьяларимиз уларнинг таъсирига тушиб, очиғини айтиш керак, нафсини тиёлмасдан судья деган юксак мартабага путур етказмоқда. Буни ҳам инкор қила олмаймиз. Судья ва суд ходими унга билдирилган юксак ишончни ҳеч қачон суиистеъмол қилмаслиги шарт. Ҳар қандай вазиятда ва шароитда ҳам адолат томонда туришга қодир бўлиши керак. Судья ва суд тизими ходимлари билан бўладиган учрашувларда мен жуда кўп бора таъкидлайманки, инсон ўзи атрофида иймон ва шайтоннинг ёнма-ён юришини ҳеч қачон унутмаслиги лозим. Судья ва суд ходимлари шайтоний ҳою-ҳавасларга берилмасдан, иймон билан виждонига содиқ ҳолда конституциявий ваколатини амалга оширсагина тўғри йўлни танлаган бўлади. Шу ўринда халқимизнинг севимли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, марҳум Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрларини эслашни мақсадга мувофиқ деб биламан. Шоир “Агар чиндан одил бўлсанг – пойингда дунё” деб ёзади. Бунда жуда чуқур фалсафа ва моҳият мужассам. Ҳақиқатдан ҳам ҳақ гап. Агар инсон чиндан адолатли бўлса, хамиша дунё унинг пойида бўлади.

Фикрларимни хулоса қилиб айтадиган бўлсам, барча судья ва суд тизими ходимларининг қалбидан, онгу-шууридан Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг “энди таъмагирлик қилган судья сиёсатга, мамлакат Президентига ва халқига хиёнат қилган деб баҳоланади” деган гаплари мустаҳкам ўрин олиши шарт.

# МУРОЖААТНОМА: ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ – ЭНГ ЮКСАК ҚАДРИЯТ

**Акмал САИДОВ**, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, академик



Парламент вакили сифатида депутатларимиз олдида турган Мурожаатномада белгиланган куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб биламан.

Мурожаатномада бундан 4 йил олдин қабул қилинган, жамият ва давлатни барқарор ривожлантириш бўйича устувор дастурий ҳужжат бўлган Ҳаракатлар стратегияси доирасида бошланган, мамлакатимиз равнақини сифат жиҳатдан мутлақо янги босқичга кўтариш ва Янги Ўзбекистон қуриш, Учинчи Ренессансга мустаҳкам асос яратишга қаратилган туб демократик ислохотлар ҳолати ва истиқболлари, мақсад ва вазифалари чуқур таҳлил қилиб берилди.

Яна бир бор демократик ислохотлар йўли энг тўғри йўл эканлиги, уларнинг маркази, негизида айнан инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, одамларни ҳаётдан рози қилиш, эркин ва фаровон яшашини таъминлаш турганлиги аниқ мисолларда кўрсатиб ўтилди.

Дунёда мамлакатлараро алоқалар ўта мураккаб ҳолга келган, барча қатновлар тўхтатилган даврларда ҳам хориждаги ватандошларимизни ҳимоялаш давлат томонидан назоратга олинди.

Аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширила бошланди. Ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди. Ўзини ўзи банд қилиш тизими орқали эса 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг олий минбаридан илгари сурган глобал ва минтақавий ташаббуслари дунё ҳамжа-

мияти томонидан катта қизиқиш билан қабул қилиниб, қўллаб-қувватланмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими шаклланди. Бу тизимда парламент Омбудсмани, Бизнес омбудсман, Болалар омбудсмани ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ фаолият юритмоқда. Мурожаатномада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ноёб механизмини такомиллаштиришга оид аниқ ташаббус ва таклифлар берилди. Бундан ташқари БМТ шафелигида “Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим” глобал форуми, Ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Бутунжаҳон ёшлар анжумани, Диний эркинлик масалалари бўйича минтақавий конференциялар ўтказилади.

Янги Ўзбекистонда демократия деганда нафақат фуқаролар эркинлиги ва тенглиги таъминланган халқ ҳокимиятчилиги, балки бир пайтнинг ўзида одамларни ҳаётдан рози қилиш, халқ ичига чуқур кириб бориш, ҳар бир инсоннинг дарду-интилишларини билиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш тизими фаолияти самарали йўлга қўйилганлиги ҳам тушунилади.

Бу эса, ўз навбатида, депутатлар ўзлари сайланган ҳудуддаги муаммолар, тегишли вазирлик ва ҳокимликлар, ташкилотлар томонидан қай даражада ҳал этилаётганини доимий ўрганиб, назорат қилиб боришлари зарурлигини англатади. Депутатларнинг сайлов округларидаги ишлари парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти ҳамда муҳим ижтимоий-сиёсий қарорлар қабул қилиши жараёнида ташаббусларнинг энг қуйидан, халқдан чиқишида амалий кўприк вазифасини ўтамоқда. Шу билан бирга, икки томонлама ҳисобдорлик тизимини яратиб, парламентни халққа янада яқинлаштиради, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.





**Холмўмин ЁДГОРОВ,**  
Судьялар олий кенгаши раиси

## “АДОЛАТ БУ – ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР”

Адолатни қарор топтириш орқали “одамларни рози қилиш” мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини ташкил этади.

Судларнинг чинакам мустақил ҳокимият тармоғига айланаётганлиги бугунги кун амалиётида яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида судлар томонидан 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганлиги, судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланганлиги, 5 958 та шахсга нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилганлиги ёки ўзгартирилганлиги, охириги икки йилда ҳокимларнинг 2,5 мингга яқин қарори судлар томонидан бе-кор қилингани фикримизнинг далилидир.

Суд-ҳуқуқ соҳасида қўлга киритилган ютуқлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш баробарида мамлакатимиз нуфузини халқаро майдонда ҳам юксалишига ҳисса қўшди. Жумладан, 2020 йил ҳолатига Ўзбекистон “Қонун устуворлиги” кўрсаткичида 128 мамлакат ичида 92-ўринни эгаллаган ҳолда 3 та кўрсаткич бўйича тўплаган баллари сезиларли даражада ошди.

(хусусан: коррупциядан холилик бўйича 0,38 баллдан 0,40 баллга; ҳокимият институтларининг шаффофлигида 0,31 баллдан 0,33 баллга; фундаментал ҳуқуқларнинг таъминланганлиги бўйича 0,39 баллдан 0,41 баллга ошган).

2020 йил бўйича республикамыз Жаҳон банкнинг “Бизнес юритиш” (Doing Business) рейтингда дунёнинг 190 та давлатлари орасида 7 поғона кўтарилиб 69-ўринни ва бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича 8-ўринни эгаллади ҳамда энг яхши ислохотчи давлатлар қаторидан ўрин олди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида белгилаб берилган қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-

ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари асосида изчил амалга оширилди. Жумладан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш соҳасида бир қатор амалий ишлар қилинди. Натижада, халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илгор тажрибасига тўлиқ мос келадиган судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг очик, ошкора ва муқобил тизими яратилди, судьялик лавозимида бўлишнинг биринчи беш йиллик, кейинги ўн йиллик ва муддатсиз даврга тайинлаш амалиёти жорий қилинди;

(ҳозирда амалда фаолият юритаётган 1235 нафар судьяларнинг 619 таси биринчи беш йиллик муддатга; 559 таси 10 йиллик муддатга; 57 таси эса муддатсиз даврга тайинланган).

Давлатимиз раҳбари ушбу Мурожаатномада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар янги йилда ҳам изчил давом эттирилишини алоҳида таъкидладилар.

Шундан келиб чиқиб, “янги йилдан бошлаб жорий этиладиган “бир суд – бир инстанция” тамойили суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлашда бош мезон бўлиши лозим”лиги тўғрисидаги вазифани кўйдилар. Яъни, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят даражасидаги судлар томонидан апелляция тартибида, апелляция тартибида кўрилган суд қарорларини эса Олий суд томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича суд қарорларини эса Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари тақдимига кўра, кассация тартибида такроран кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Мурожаатномада белгиланган вазифалар ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқариш учун деган инсонпарвар ғоянинг ҳаётий ифодасини топтиришга асос бўлади.

Пировардида, такрор бўлса ҳам айтиш керак: судья одил судловни амалга ошириш - ҳар бир ишни адолатли ҳал этишда ўзини вояга етказган, билим ва мартаба берган ўз халқи олдидаги шахсан жавобгарлиги ва масъуллигини доимо ёдда тутиши зарур.





# МУРОЖААТНОМА – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

**Шухрат БАКАЕВ,**

жиноят ишлари бўйича

Мирзо Улуғбек туман судининг раиси



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ушбу Мурожаатномаси коронавирус пандемияси туфайли вужудга келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий нуқтаи назардан ўта мураккаб бир даврда Ватанимиз тараққиётининг келгуси истиқболлини белгилайдиган ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир.

Мурожаатномада бутун умуминсоният тарихига йўқотишлар йили сифатида кирган 2020 йилда бошланган катта синовларнинг адоғи кўринмаётган бир шароитда инсонни эъзозлаш, унинг фаровонлигини оширишга қаратилган жуда кўплаб ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди.

Жаҳон иқтисодиёти учун – ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорида зарар келтириляётган, бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган бир пайтда фуқароларни қўллаб-қувватлаш борасида белгиланяётган вазифаларга ва уни бажариш учун ажратилган молиявий маблағларга яна бир бор эътибор қаратинг: 2021 йил якунига қадар мактабгача таълим қамровини кенгайтириш мақсадида бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан кўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилади. 30 та янги мактабни қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади. 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди. 2021 йилда биринчи марта бюджетдан 900 нафар чин етим ёшларни уй-жой билан таъминлашга 50 миллиард сўм ажратилади. Миллат, ватан, халқ келажаги учун бундай улкан маблағларни бугунгидай мураккаб бир пайтда ажратилган, инсонпарварликнинг ҳаётий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари барча Мурожаатномаларида, маъруза ва чиқишларида адолатли қарор топтириш учун суд органлари фаолиятини замон талабларига мослаштириш, судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга асосий вазифалардан бири сифатида аҳамият қаратади.

Дарҳақиқат, ушбу Мурожаатномаларида ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилишига, бунинг учун суд тизимини янада такомиллаштириш лозимлигига алоҳида тўхталиб, бир қатор янги вазифаларни белгилаб бердилар.

Хусусан, янги йилдан бошлаб фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишлари бўйича вилоят даражасидаги 3 та судлар битта суд сифатида бирлаштирилиши вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этиш белгиланди. Сабаби, суд амалиётида жисмоний ва юридик шахсларнинг судга тааллуқлилик билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқишда баъзи бир муаммолар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайдди. Жумладан, бир хил мазмундаги ишлар бўйича турлича қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлиб, ягона суд амалиётини шакллантиришга, қонунларни бир хилда ва тўғри қўлланилишига тўсқинлик қилмоқда.

Бундан ташқари, вилоят судларининг амалдаги тарқоқ тузилмаси туфайли фуқаролар ва тадбиркорлар судма-суд сарсон бўлиб юриш ҳолатлари бор. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича судлар мансабдор шахсларнинг ноқонуний қарорига асос бўлган ҳужжатларни (баённома, хулоса, маълумотнома ва ҳ.к.) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни судловга тааллуқли эмаслиги сабаб тугатаётган бўлса, айрим маъмурий судлар томонидан ушбу ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб топилмоқда. Бундай турлича ёндашувлар фуқароларнинг судларга бўлган ишончини пасайишига ва суд қарорларидан ҳақли норозиликка сабаб бўлмоқда. Биргина 2019 йилнинг ўзида 58 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорлар судлардаги сарсонгарчиликларга нисбатан ўз эътирозларини билдирганлар.

Таъкидлаш керакки, айтилган бу вазифа ижроси таъминланиб, вилоят ва унга тенглаштирилган жиноят, фуқаролик ва иқтисодий судлари негизда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари ташкил этилди. Ўзбекистон Президентининг тегишли фармойиши билан барча вилоят судларига янги суд раислари тайинланди.

Янги ташкил этилган умумюрисдикция судларининг самарали фаолияти фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга бўлган ҳуқуқини амалда таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга барҳам беради.

Агар бу борадаги ривожланган демократик мамлакатларнинг тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, бугунги кунда Франция, Италия, Канада, Жанубий Корея, Қозоғистон, Беларусь ва бошқа бир қатор давлатларда умумюрисдикция судлари, яъни фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича судлар ягона умумюрисдикция суди сифатида самарали фаолият юритишини кўришимиз мумкин. Демак, умумюрисдикция судлари халқаро амалиётда ҳам яхши натижа бериб келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 29 декабрда йўлланган Мурожаатномада белгиланган вазифалар суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, судья ва суд тизимининг нуфузини ошириш, суд органлари фаолиятини демократлаштириш ва такомиллаштиришга мустаҳкам асос бўлади.



## ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ – СУДГА ҚАДАР БОСҚИЧЛАРДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

**Сурайё РАХМОНОВА,**

Судьялар олий мактабининг  
Жиноят ҳуқуқи кафедраси мудири

Мурожаатномада алоҳида урғу берилган муҳим масалалардан бири бу – жиноят ишлари юритувига дастлабки эшитув институтининг жорий этилишидир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “келгуси йилдан суд муҳокамасига қадар судда ишларни дастлабки эшитув амалиёти янги тартиб сифатида жорий этилади. Бунда ишни тўхтатиш ёки тугатишга асос етарли бўлса, суд ишни аввалгидай тергов ёки прокурорга қайтармасдан, ўзининг якуний қарорини қабул қилади”.

Дастлабки эшитувнинг татбиқ этилиши самараси ҳақида сўз борганда, бу институт судга қадар босқичларда суд назоратининг муҳим шакли эканлигини эътироф этиш муҳим.

Амалдаги ЖПКда ўрнатилган жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичи формал, янаям аниқроқ айтсак, “жонсиз” бўлиб, унда судьяга қатор кенг ваколатлар қонун билан тақдим этилган бўлса-да, мазкур ваколатларни амалга ошириш учун судьяда реал процессуал имкониятлар деярли мавжуд эмас! Яъни судьяда яқка тартибда тарафлар иштирокисиз жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатиш учун асослар бор ёки йўқлигини аниқлашнинг мутлақо имкони йўқ. Суд амалиётида одатда бундай вазиятда судья ишни тугатиш асоси мавжудлигини яққол кўриб турса-да, ноилоҳ бунга кўз юмиб, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлайди, сўнг суд мажлисида тарафлар иштирокида бу масалани ўрганиб, жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор қабул қилади. Яъни, суд муҳокамасига тайёр бўлмаган “хом” ёки умуман “истикболсиз” жиноят ишини судья ўз формал ваколатларини амалга оширишга имконсизлиги туфайли суд мажлисида кўришга тайинлайди. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашнинг бундай “кабинет шакли” тарафларнинг ҳуқуқини чеклайди, бунда судья тарафларнинг фикрини эшитмайди ва улар билан бевосита кўришмайди.

Бу вазиятнинг оптимал ечими - жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичини тарафларнинг фаол иштироки ва тортишув принципини реал таъминловчи дастлабки эшитув шаклида ташкил этишдир. Яъни, суд жиноят ишининг келгуси ҳаракатига оид масалаларни демократик тарзда, прокурор ва тарафларнинг иштирок этишига реал имкониятлар яратилган шароитда кўриб чиқиши назарда тутилмоқда. Хусусан, судья тарафларнинг фикрларини тинглаши ва инobatта олиши, эътирозлар мавжуд бўлганда эса ўз қарорини очик асослантириши ва албатта, судья бунда мустақил бўлиб, унинг позицияси бирон бир иштирокчи фикри билан чегараланиши мумкин эмас.

Дастлабки эшитув – суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан бевосита суд назорати шаклларида бири ҳисобланиб, тортишув принципи асосида амалга оширилади. Жиноят ишларини сифат нуқтаи назаридан тарафлар иштирокида ўрганилишининг бирламчи майдони ҳам, ҳимоя тарафининг суднинг эътиборини тергов хатоларига қаратиши асосида айблов базасини номақбул далиллардан холи қилиш ҳам айнан дастлабки эшитувда бўлиб ўтади. Натижада, суд муҳокамасига фақат судда кўрилишга тайёр бўлган сифатли жиноят ишлари ўтади.

Бундай янги тартиб қандай самара беради? Эндликда тергов сифатсиз бўлганлиги сабабли жиноят ишининг асосий суд муҳокамасига етиб бормаслиги хавфини англаган дастлабки тергов органи тергов сифатини таъминлашдан асосий “манфаатдор” субъект сифатида, исботлаш жараёнида номақбул усулларни қўллашдан тийилади, терговда жиноят ишининг тугатилиши ва тўхтатилиши эҳтимолларини янада пухтарок аниқлайди, ҳимоянинг вазлари ва эътирозларини жиддий ўрганиб, улар билан ҳисоблашишни бошлайди. Бу эса албатта тергов сифатини таъминлаш билан биргаликда суд жараёнини фаоллаштиради, жонлантиради, айблов тарафини зийрак тортишга, суд процессига пухта тайёргарлик кўришга мажбур этади.

Хулоса қилиб айтганда, дастлабки эшитув тартибининг самарали механизм асосида йўлга қўйилиши мазкур босқичда процесс иштирокчиларининг фаол иштироки орқали тортишув принципини реал таъминлашига, суднинг процессуал ваколатларини мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришга, натижада эса суд, дастлабки тергов органлари ҳамда фуқароларнинг вақти ва саъй-ҳаракатларининг тежалиши, жиноят ишлари юритувига жалб этилган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тез фурсатда тикланишига хизмат қилади.



## ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ТАРКИБ ИНВЕТОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ



**Дилмурод ДАВЛЕТОВ,**  
Қўнғирот туман иқтисодий судининг судьяси

Мурожаатномада илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар Асосий Қомусимизнинг 14-моддасидаги “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади” деб белгиланган конституциявий меъёрларга ҳамоҳанглиги билан ҳам алоҳида эътиборга молик. Ушбу конституциявий қондаларнинг ҳаётий ифодаси жуда кўп жиҳатдан суд органлари фаолияти самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу боис, Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада суд соҳасини ислоҳ этиш юзасидан бир қатор принципиал масалаларни ўртага ташлади ва аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти юксалишининг энг муҳим омилларидан бири бу – инвестицияларнинг фаол жалб этилишидир.

Айниқса, пандемия келтириб чиқарган глобал иқтисодий инқироз шароитида бу ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ аҳамият касб этади. Инвестициявий жозибдорликнинг оширилиши эса, иқтисодий ривожланиш истиқболини белгилаб беради.

Айниқса, коронавирус пандемияси туфайли дунё иқтисодиётида вужудга келган чуқур молиявий таназзул оқибатларини бартараф этиш, мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш борасида Мурожаатномада инвесторларнинг ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида Олий судда инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилганлиги эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари бу муҳим масала ҳақида 2020 йил 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида алоҳида тўхталиб, биргина 2019 йил давомида иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган ишларнинг 2,5 мингдан ортиғи, яъни 44 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилганлиги, ҳар икки шикоятдан бири бўйича туман ва вилоят иқтисодий суди чиқарган қарорлар юқори судда ўзгараётгани, бунинг натижасида тадбиркор ва инвесторлар сарсон бўлаётганини танқид қилиб ўтганди. “Бир нарсани билинлар — сармоя киритаётган инвестор биринчи навбатда ўз

ҳуқуқлари суд орқали кафолатли ҳимоя қилинишига эътибор беради”, дея таъкидлаганди Давлатимиз раҳбари. Мурожаатномада бу муҳим масала яна бир бор қайд этилиб, инвесторлар ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида Олий судда инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилганлиги қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида йирик инвесторлар иштирокидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби — инвестициявий таркиб зиммасига йирик инвесторларнинг (20 миллион АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритган) ва давлат органлари ўртасидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш вазифаси юклатилди.

Эндиликда мамлакатимиздаги йирик инвесторлар ўз хоҳишига кўра, бевосита инвестициявий таркибга ёки умумий тартибда бошқа қуйи тизим судларига мурожаат қилиш, бошқа инвесторлар эса, ўз хоҳишига кўра, бевосита Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судига ёки умумий тартибда бошқа қуйи тизим судларига мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди.

Олий суд тизимида инвестициявий таркибнинг ташкил этилиши инвесторлар ўртасидаги низоларнинг бир суд даражасида қисқа муддатда ҳал қилиш имконини беради ҳамда инвесторларнинг турли суд инстанцияларида сарсон бўлмасликларини кафолатлайди.





## МУРОЖААТНОМА – ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ АКС ЭТГАН ҲУЖЖАТ

**Хайрулло АБДУЛЛАЕВ,**  
Ғиждувон туманлараро иқтисо-  
дий суди судьяси

Мурожаатномада аллақачон глобал тус олиб ул-  
гурган ва хавф-хатари ханузгача чекинмаётган ко-  
ронавирус пандемияси шароитида мамлакатимизни  
янада ривожлантириш билан боғлиқ жуда кўплаб ғоя  
ва ташаббуслар илгари сурилди. Шундан келиб чиққан  
ҳолда барча давлат органлари ва уларнинг мансабдор  
шахслари олдиға янги вазибалар қўйилди.

Жумладан, адолат ва қонун устуворлигини таъ-  
минлашға қаратилган изчил ислохотларни давом  
эттириш ва бунда фуқаролар ва тадбиркорлик субъ-  
ектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали  
ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш  
лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг шаъни  
ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш мақсадида тўхта-  
либ, жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик  
тамойилини кенг қўллаш борасидаги ишлар давом  
эттирилиши қайд этилди. Жумладан, халқаро стан-  
дартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил-колониялар  
босқичма-босқич қисқартирилади. Биринчи марта  
озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо  
енгилроғи билан алмаштирилса, у манзил-колонияға  
ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри пробақия назоратиға  
олиниши натижасида ҳозирда жазо ўтаётган 6 минг  
нафар шахсга оиласи бағрида бўлиш имконияти яра-  
тилади, улар билан мақсадли тарбиявий ишлар олиб  
борилади, жамоатчилик, айниқса, маҳалланинг таъ-  
сиридан самарали фойдаланиш имконияти яратилади.

Мурожаатномада қайд этилганидек, суд-ҳуқуқ соҳа-  
си, жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш  
борасидаги ислохотларимиз ҳам изчил давом эттирилди.  
Натижада 2020 йилда судланган шахсларнинг 74 фо-  
зига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ  
бўлмаган жазолар тайинланган. Жазо муддатини ўтаёт-  
ган ва тузалиш йўлиға қатъий кирган 616 нафар фуқаро  
афв этилган. Билиб-билмай жиноятға қўл урган ва ўз қил-  
мишидан пушаймон бўлган 300 дан ортиқ шахс афв эти-  
либ, жазони ўташ жойларидан озод қилинди, 200 нафар  
маҳкумнинг жазо муддатлари қисқартирилган.



**Азизбек АСАДОВ,**  
Ғиждувон туманлараро иқтисо-  
дий суди девонхона мудри

Олдин оғир жиноятларни содир этишда айблан-  
ган кўплаб инсонларнинг оқлангани, яна минг-мингаб  
жазо ўтаётган одамларнинг жазодан муддатидан ол-  
дин озод этилаётгани, қонунларимизда белгиланган  
тартибларға зид равишда мамлакатимиз худудидан  
бошқа чет давлатларға чиқиб кетган аёллар ва но-  
расида болаларнинг уруш ўчоқларидан тинч юрти-  
мизға олиб келиниши, уларнинг соғлиғини тиклаш,  
шарт-шароит яратиш чоралари кўрилганлиги ин-  
сонпарвар сиёсатнинг ҳаётий кўринишидир.

2019 йилда дунё ҳамжамиятининг диққатиға са-  
зовор бўлган иккита инсонпарвар лойиҳа амалға  
оширилди. “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик  
тадбирлари доирасида Яқин Шарқдаги қуролли мо-  
жаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар  
фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизға қай-  
тариб олиб келинди. Уларға зарур тиббий ва моддий  
ёрдам кўрсатилди.

2020 йил декабрь ойида “Меҳр-3” инсонпарвар-  
лик операциясининг навбатдаги босқичи доирасида,  
Сурия мамлакатининг жанговор ҳаракатлар давом  
этаётган қисмидан жами 98 нафар юртдошимиз, яъни  
25 нафар аёл ва 73 нафар бола Ватанимизға қайта-  
рилди. Болаларнинг 14 нафари чин етим эканлиги  
кўнгилларни ларзаға салади.

Бундан ташқари, сўнгги 4 йил давомида жиноят  
содир этган шахсларни афв этиш бўйича 10 дан ортиқ  
фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони  
ўташ жойларидан озод қилинди. Биргина 2019 йилда  
Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармониға биноан  
жиноий қилмишиға чин дилдан пушаймон бўлиб, ту-  
залиш йўлиға қатъий ўтган 92 нафар маҳкум афв эти-  
либ, эркин ҳаётға қайтарилди.

Одил судловни таъминлаш борасидаги тизимли  
ислохотлар натижасида судлар томонидан 2 минг  
600 нафар фуқароға нисбатан оқлов ҳукми чиқари-  
либ, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилин-  
ди. Шунингдек, жиноят йўлиға билиб-билмай кирган  
3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларға нисбатан  
озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан,  
улар маҳалла ва жамоатчилик кафиллигиға олинди.

Мана шундай инсонпарвар сиёсат юритилиши са-  
бабли, Ўзбекистонимиз тарихда биринчи марта Бир-  
лашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари  
бўйича кенгашиға аъзо этиб сайланди. Яқинда АҚШ  
давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний  
эркинлик соҳасидаги “маҳсус кузатувдаги давлат-  
лар” рўйхатидан чиқарилгани ҳам кенг кўламли де-  
мократик ислохотларимизнинг эътирофидир.



## БУРГУТ, ЗАҒЧА ВА ЧҶУПОН

Юксак қоядан шиддат билан кўзгалган бургут сурувдаги кўзичоқни илди-ю кетди. Зағча буни кузатиб турганди, ҳасаддан ичи куйиб, ўзининг ҳам шундай қилгиси келиб қолди. Зағча жон-жаҳди билан чинқирганича бориб кўчқорга ташланди: панжалари қалин жунга ўралашиб қолди-ю, учишга ҳам, қочишга ҳам имкони бўлмай қолди. Унинг жон халфида питирлаётганини кўрган чўпон гап нимадалигини фаҳмлади-да, дарҳол тутиб олди: қанотларини қирқиб, ўзини эрмак учун болаларига элтди. Болалари чувиллашиб: “Бу қандай қуш?” — дея сўраганларида, чўпон айтди: “Мен-ку бунинг зағчалигини биламан-а, бироқ унинг ўзи ўзини бургут ҳисоблайди-да?!”

Алқисса, ўзингдан зўрроқлар билан беллашаман, деб чиранганинг билан ҳеч иш чиқаролмайсан, кулги бўлганинг қолади, холос.





**Анвар ҲАМИДОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби  
ўқитувчиси

## СУДЬЯ ДАХЛСИЗЛИГИ – УНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ КАФОЛАТИДИР

**Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорт ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.**



**Акмал АКРАМОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби  
тингловчиси

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар курул берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун курулли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Бош прокурор томонидан кўзғатилиши мумкин. Жиноят ишини кўзғатишда қонунийлик ва қабул қилинадиган қарорнинг асосланганлигини Бош прокурор шахсан ўз зиммасига олади. Судьяларни жиноий жавобгарликка тортиш, қамоққа олиш учун Судьялар олий кенгашининг ҳулосаси ҳамда Олий суд Пленумининг розилиги талаб этилади.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 70-моддасига кўра, судья Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ҳулосаси олинмасдан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб кўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суднинг қарори билан йўл кўйилади.

Мазкур ҳуқуқий нормалар судьяларнинг асосиз маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳамда қонунда белгиланмаган тартибда уларни шахсий тинтув қилиш ва кўздан кечириш мумкин эмаслигини англади. Лекин, шунга қарамай бугун судьяларга нисбатан тажовузлар бўлиб турганлиги, айбдорлар орасида масъул шахсларнинг борлиги ачинарли ҳолатдир.

2020 йил 10 июль кунини Жиноят ишлари бўйича Жарқўргон тумани судининг раиси ҳамда Жарқўргон тумани маъмурий судининг раиси хизмат автотранспорт воситасида туман суди биноси томон ҳаракатланиб келаётганида туман марказига кираверишда блок постда улар тўхтатилган ва постдан ўтказилмаган. Шу вақтда постда бўлган туман ҳокими бошчилигидаги ишчи гуруҳ Вазирлар Маҳкамасининг махсус комиссияси қарорига зид равишда, туман суди хизмат автомашиналарини постдан ўтказмай, хизмат автомашинаси дахлсизлигини бузиб, ишга боришга имконият бермай, йўлдан ўтишга тўсқинлик қилиб, ишчи гуруҳ аъзоларидан биттаси хизмат автомашинасининг орқа ўнг эшигини очиб қўлидаги уяли алоқа телефони билан тасвирга тушириб, постдан ўтиш учун навбат кутиб турган тирбанд фуқаролар олдида судья ва суд ходимларини обрўсизлантиришга уринган. Уларга кўполлик қилиб, туман судининг ҳайдовчисини (ўзининг билдиргисидан) йўл патруль хизмати ходими билагидан тортиб, ИИБ бошлиғи ва ўринбосари автомашина калитини олиб кўйиб, уни автомашинада ўтирган жойидан куч ишлатиб тортиб, эғнидаги кўйлагини олд кўкрак қисмини йиртиб, суд ходимини туман ИИБ биносига олиб келиб, ИИБ бошлиғи ўринбосари суд ходимини ҳақоратлаб, бўйнидан бўғиб, шахсий телефон аппаратини тортиб олиб, сўнгга вақтинча ушлаб туриш ҳибсхонасига қамаб қўйган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, бизнинг бу воқеаларга нисбатан айтадиган фикрларимиз кимнидир қоралаш ёки кимнидир оқлаш нуқтаи назаридан айтилаётган фикрмулоҳазалар сифатида қабул қилинмаслиги керак. Сабаби, бу воқеаларга қонуний баҳо бериш тегишли органларнинг текширувлари асосида амалга оширилган. Бугун Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида янги Ўзбекистоннинг стратегик

мақсадига айланган “адолат қарор топиши” керак бўлган жамиятда суд ходимининг дўппосланиши ақлга сиғмайдиган ҳодиса. Дейлик, судья ёки судьянинг ҳайдовчиси карантин қоидаларини бузди. Ҳали ҳар иккала ҳолатда ҳам судья ёки судья ҳайдовчиси томонидан қоидабузарлик содир бўлганлиги ўша вақтда ўз тасдиғини топганича йўқ эди. Лекин, шундай бўлган тақдирда ҳам уни дўппослаш ёки кўпчиликнинг олдида шарманда қилишга уриниш мутлақо мумкин эмас. Бу ҳолатда суд ходимига нисбатан кўпол ҳаракат, тан жароҳати етказилиши ноқонуний ва “махсус объект”га тажовуз сифатида баҳоланиши шарт.

Судья ва унинг оила аъзолари, шунингдек суд ходимларига нисбатан қилинган тазйик, босим, ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари ҳар бир ҳолатда синчиклаб ўрганилиши, жиний қилмиш нуқтаи назаридан қиёсий ўрганилишни тақозо қилади. Ваҳоланки, бундай ҳуқуқий баҳо берилишни четлаб ўтиш ёки ҳодисага нисбатан “кўз юмиш” “суд мустақиллиги ва судьялар дахлсизлиги”га путур етказилишини рағбатлантиради.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 68-моддасида “Давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шарт, судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек уни очикдан-очик менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади” деб белгиланган.

Қадрли ўқувчилар энди эътиборингизни Термиз тумани судида бўлиб ўтган воқеага қаратамиз. Яқинда “Effect.uz” ахборот агентлиги ходимлари томонидан ижтимоий тармоқларда тарқатилган жиноят ишлари бўйича Термиз тумани суди фаолиятига оид лавҳа (<https://youtu.be/0ROhu016eEM>) юзасидан Судьялар олий кенгаши матбуот хизмати баёнот берди. Лавҳада акс этган “Effect.uz” ходимларининг суд раиси хизмат хонасига бостириб кириб, суд мажлисида иштирок этиш ва жараёни тасвирга олишни ўта кўпол тарзда талаб қилиши журналист одобига зид хатти-ҳаракат, суд мустақиллиги ва судья дахлсизлигига очикдан очик тажовуз ва ҳурматсизлик, дейилади баёнотда.

Шунингдек, кенгаш матбуот хизматининг алоҳида таъкидлашича, журналист ёки блогерларнинг очик суд мажлисида иштирок этишига ҳеч қандай монелик йўқ. Бироқ, процессуал қонунчилик талабига



кўра, суд жараёнини тасвирга олинишига рухсат бериш (тарафларнинг фикрини инобатга олган ҳолда) суд мажлисига раислик этувчи томонидан ҳал этиладиган масала.

“Effect.uz” ходимлари ўрнатилган тартибга риоя қилмасдан суд мажлисига рухсатсиз ва видеокамерани ёққан ҳолда кириб, туман суди иш юритувидаги фирибгарликда айбланаётган И.Х.га оид суд жараёнини видеотасвирга тушириш ҳақида овзаки илтимоснома билан муурожаат қилди. Унинг илтимосномаси раислик қилувчи томонидан (тарафлар фикрини инобатга олган ҳолда) рад қилинган, журналист судланувчининг яқин қариндошлари билан яна жанжал кўтариб, судга намойишкорона ҳурматсизлик кўрсатади. Юқоридаги шахсларнинг хатти-ҳаракати, хусусан судга ҳурматсизлик қилгани ва раислик этувчи судья ва Миллий гвардия ходимларининг қонуний талабига бўйсунмаганлиги ҳолати бўйича тузилган материал юзасидан суриштирув олиб борилаётган бир пайтда “Effect.uz” ходимлари томонидан ҳолат бир томонлама талқин этилган иккинчи лавҳа (<https://youtu.be/1cbJni91Y1Y>) ижтимоий тармоқларда намойиш этилди.

Бу суриштирув ишларига таъсир ўтказиш, судлар фаолияти ва судьялар дахлсизлигига нисбатан ҳурматсизлик ҳамда журналистнинг бугунги очиклик сиёсатини ҳамда ўз ваколатини суиистеъмол қилишдан бошқа нарса эмас. Шунга кўра, ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериш сўрови билан Судьялар олий кенгаши раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори номига тақдимнома киритилган.

Бўлиб ўтган мазкур жараёнларни кузата туриб, кечирасиз-у, “салла деса каллани олиб келадиган” ҳуқуқий нигилизм тафаккурига эга масъуллар ҳамда блогерлар борлиги кишини афсуслантиради. Хулоса эса, ўзингиздан...



**Дилзода ДОВУДОВА,**  
Бош прокуратура Академияси  
Судларда прокурор ваколатини таъминлаш кафедраси  
катта ўқитувчиси, PhD



**Яхё АБДУРАҲМОНОВ,**  
Бош прокуратура Академияси прокуратура органида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турган кадрларни касбий тайёрлаш курси тингловчиси

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОРНИНГ АЙРИМ ВАКОЛАТЛАРИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Россия Федерацияси ЖПКда жиноят ишларини юритишда прокурорнинг айрим ваколатлари, мазкур ваколатларнинг миллий қонунчиликдаги прокурор ваколатлари билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, Россия процессуал қонунчилигидаги мавжуд ижобий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари мушоҳада қилинган.

**Калит сўзлар:** суд, судья, прокурор, давлат айбловчиси, ваколат, биринчи инстанция суди, суд жараёни, дастлабки суд эшитиуви.

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются некоторые полномочия прокурора в уголовном судопроизводстве, предусмотренные Уголовно-процессуальным кодексом Российской Федерации, проводится сравнительно-правовой анализ этих полномочий с полномочиями прокурора в национальном законодательстве, имплементация существующих позитивных норм российского процессуального права.

**Ключевые слова:** суд, судья, прокурор, государственное обвинитель, полномочие, суд первой инстанции, судебный процесс, предварительное слушание.

### ABSTRACT

The article highlights some of the powers of the prosecutor in criminal proceedings provided for by the Criminal Procedure Code of the Russian Federation, conducts a comparative legal analysis of these powers with the powers of the prosecutor in national legislation. In addition, developed recommendations on the implementation of existing positive norms of Russian procedural law into national legislation.

**Keywords:** court, judge, prosecutor, public accuser, powers, the court of the first instance, court trial, preliminary hearing.

Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида (1995 й) прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири судда прокурор жиноий таъқибни амалга ошириб, давлат айбловчиси сифатида иштирок этиши белгиланган<sup>1</sup>.

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда РФ ЖПК деб юритилади)га мувофиқ прокурор суд муҳокамаси жараёнида давлат айбловининг қонуний ва асослилигини таъминлайди. Биринчи инстанция судларида прокурорнинг иштироки суднинг мустақиллиги ва уни Россия Федерацияси конституциясига қатъий амал қилган ҳолда одил судловни амалга оширишига ёрдам беради<sup>2</sup>.

Аксарият тадқиқотчилар жиноий таъқибнинг бир кўриниши сифатида прокурор судда давлат айбловини қувватлайди ва давлат айбловчиси мақомига эга бўлади деган фикрни билдиради<sup>3</sup>.

Н.Литвинцева ва Е.Иванова Россиянинг жиноят-процессуал қонунчилиги Франция жиноят-процессуал қонунчилиги билан ўхшаш эканлиги ҳақида фикр билдиради<sup>4</sup>.

РФ ЖПКнинг 246-моддасида<sup>5</sup> биринчи инстанция судларида прокурорнинг иштироки масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, суд муҳокамасида айбловчининг иштироки шарт ҳисобланади. Прокурор оммавий, хусусий-оммавий айблов ишлари, шу билан бирга жиноят иши суриштирувчи ёки терговчи томонидан прокурорнинг розилиги билан кўзғатилган хусусий айбловни юритиш билан боғлиқ ишларда иштирок этади. Хусусий айблов жабрланувчи ёки унинг вакили томонидан амалга оширилади.

Шу билан бирга, давлат айблови бир неча прокурорлар томонидан қувватланиши мумкин. Агар суд жараёнида прокурор иштирокини давом эттириш имкони бўлмаса, уни алмаштиришга йўл қўйилади. Суд ишга янги киришган





прокурорга жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиш ва суд муҳокамасида иштирок этиш учун тайёргарлик кўришга вақт беради. Прокурорнинг алмаштирилиши суд муҳокамаси жараёнида содир этилган ҳаракатларнинг такрорланишига олиб келмайди. Бироқ, прокурор суддан гувоҳлар, жабрланувчилар ва экспертларни қайта сўроқ қилиш ёки бошқа суд ҳаракатларини такроран ўтказишни илтимос қилишга ҳақли (246-м)<sup>6</sup>.

Мазкур нормада белгиланган талаблар яъни, айбловни бир нечта прокурорлар томонидан қувватланиши, прокурорни алмаштиришга йўл қўйилиши ва ундан кейинги механизми миллий процессуал қонунчилигимизда мавжуд бўлмай, уни шу каби нормалар билан тўлдириш прокурор фаолияти самарадорлигига ва бўшлиқларнинг бартараф этилишига олиб келади.

Шу билан бирга, РФ Бош прокурорининг “Прокурорнинг вазифалари тўғрисида”ги 185-сон буйруғида кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлган ишлар бўйича ҳар чорақда бир марта РФ прокурорлари, уларга тенглаштирилган ҳарбий прокурорлар ва ихтисослаштирилган прокурорлар давлат айбловини доимий қўллаб-қувватлаши кўрсатилган<sup>7</sup>.

Россия Федерацияси жиноят-процессуал қонунчилигида биринчи инстанция судларида давлат айбловини қўллаб-қувватлашдан кўзланган мақсад жиноят содир этган шахсларни аниқлаш, айбдорларни жавобгарликка тортиш, ишни судга юбориш ҳамда суд олдида айбловни асослантиришдан иборат жиноий таъқиб функцияларини амалга ошириш ҳисобланади<sup>8</sup>.

РФ ЖПКда тарафлар суд муҳокамасининг исталган жараёнида айблов юзасидан

далилларни чиқариш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга. Далиллар ЖПКда назарда тутилган талабларга зид равишда олинганлиги тўғрисида ҳимоя қилинаётган томон уларни далиллар сафидан чиқаришни сўраб судга муурожаат этган тақдирда, прокурорга ушбу важлар асослилигини текшириш ва асослаш мажбурияти юклатилган (235-м 4-қ).

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида тарафлар суд муҳокамасида илтимоснома киритиш ваколатига эга бўлса-да, бироқ айнан юқорида қайд этилган қоида каби норма мавжуд эмас. Фикримизча, мазкур норманинг ЖПКга киритилиши прокурорнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

РФ ЖПКда миллий процессуал қонунчиликдан фарқли равишда дастлабки эшитув институти мавжуд. Прокурор мазкур босқичда айбловни ўзгартирган ҳолларда суд қароридан ушбу ҳолат акс эттирилади ва иш терговга қайтарилади (236-м 5-қ). Фикримизча, мазкур институт ва ушбу қонунчиликнинг қонунчилигимизга жорий қилиш дастлабки тергов хато ва камчиликларини суд мажлиси бошлангунга қадар бартараф этиш имконини беради.

Миллий қонунчилик каби РФ ЖПКда фуқаролар ҳуқуқлари, жамият, Россия Федерацияси, унинг субъектлари, муниципал тузилмалар, давлат ва муниципал унитар корхоналар манфаатларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича прокурор фуқаролик даъволарини тақдим этади ёки уларни қўллаб-қувватлайди.

РФ ЖПКда давлат айбловчиси далилларни тақдим этади ва уларни тадқиқ қи-

лишда иштирок этади, судга айбловнинг моҳияти, шунингдек суд жараёнида юзага келадиган бошқа масалалар юзасидан ўз фикрини беради, жиноят қонунини қўллаш ва айбланувчига жазо тайинлаш тўғрисида судга таклифлар билдиради.

Миллий процессуал қонунчиликда прокурор далилларни текширишда иштирок этиш ваколатига эга бўлсада, уларни тақдим қилиш ваколатига эга эмас. Амалдаги ЖПК 416-417-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда қўшимча мажбуриятларни бажариш юзасидан чиқарилган ажримларнинг ижроси юзасидан прокурор далилларни судга тақдим этади. Бироқ, процессуал қонунчиликнинг умумий қоидаларида мазкур ваколат прокурорда мавжуд эмас. Фикримизча, жиноят ишларини юриштида судда иштирок этаётган прокурорга далилларни тақдим этиш ваколати берилиши мақсадга мувофиқ.

РФ ЖПКда суд музокараси ва уни ўтказиш тартиби (292-м) миллий процессуал қонунчиликда белгиланган тартиб сингари юритилади.

Прокурорнинг айбловни ўзгартириш тартиби ёки ундан воз кечишнинг механизмига кўра, хусусан, суд жараёнида тақдим этилган далиллар айблов эълон қилиш учун етарли бўлмаса, прокурор айбловдан воз кечади ва бунинг сабабларини судга тушунтиради. Прокурор айбловдан воз кечганда суд жиноят ишини тугатади.

Шу билан бирга, РФ ЖПКнинг ўзига хос хусусиятларидан бири прокурорнинг оқлов ҳукми чиқарилган шахсга нисбатан давлат номидан расмий кечирим сўраши билан боғлиқдир (136-м). Мазкур қоида проку-

рорни ҳуқуқни қўлловчи субъект сифатида дастлаб шахсан ўзи Конституция ва қонунларга риоя этиши ҳамда уларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, суд жараёнида иштирок этаётган прокурорга айбловни енгиллаштирувчи томонга ўзгартириш ваколати берилган, суд ҳукм чиқариш учун маслаҳатхонага киргунга қадар прокурор қуйидагиларни: қилмишни юридик квалификация қилишда жазони оғирлаштирувчи жиноят белгиларини чиқариб ташлаш; судланувчининг қилмиши РФ Жиноят кодексининг бошқа моддасида назарда тутилган тақдирда, айбловдан РФ Жиноят кодексининг муайян моддасини чиқариб ташлаш; қилмишни РФ Жиноят кодексининг бошқа енгиллаштирувчи моддалари билан қайта квалификация қилиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга<sup>9</sup>.

РФда бугунги кунда ҳуқуқшунос олимлар томонидан суд жараёнида прокурорнинг айбловни оғирлаштирувчи томонга ўзгартириши мумкинлиги ҳақида фикрлар илгари сурилмоқда<sup>10</sup>.

Миллий процессуал қонунчиликда прокурор суд муҳокамасида айбловни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи томонга қандай ҳолатларда ўзгартириши мумкинлиги ҳақидаги қоида аниқ белгиланмаган. Шу сабабли, судда прокурорни айбловни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи томонга ўзгартириш асосларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, РФ ЖПКда соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг ижобий кўринишлари мавжуд бўлиб,



улар иш юритишни енгиллаштиришга, ҳар хил оворагарчиликнинг олдини олишга, ишларни тез фурсатларда ҳал этилишига хизмат қилиб келмоқда. Жумладан, РФ ЖПКда “ҳамкорлик келишуви” деб номланган, ишларни соддалаштирилган тартибда кўриш институти мавжуд. Унга кўра, 221-моддада назарда тутилган ҳолларда “ҳамкорлик келишуви” айбланувчи билан прокурор ўртасида тузилади. Бу тоифадаги ишлар бўйича дастлабки тергов ва суд соддалаштирилган тартибда олиб борилади (226<sup>1</sup>-226<sup>9</sup>-моддалар).

Прокурор белгиланган тартибда ва муддатларда (221-модда) судгача ҳамкорлик келишуви тузган айбланувчига нисбатан жиноят ишини кўриб чиқади. Шу билан бирга, айбланувчи мазкур шартномада назарда тутилган шартлар ва мажбуриятларга риоя этган ва унга қўйилган айбловни тан олган тақдирда, алоҳида тартибда суд мажлисини ўтказиш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимномада жиноятларни очиш ва тергов қилишда айбланувчи билан ўзаро ҳамкорлик қилиш характери, чегаралари, аҳамияти, шунингдек жиноятнинг бошқа иштирокчиларини фош этиш ва жиноий таъқиб қилиш, жиноят йўли билан топилган мол-мулкни қидириш, айбланувчи билан ҳамкорлик қилиш натижасида аниқланган ёки қўзғатилган жиноятлар, айбланувчининг шахсий дахлсизлиги, унинг қариндошлари ва яқинлари хавфсизлиги, айбланувчи томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги каби масалалар акс эттирилади (317<sup>5</sup>-модда). Суд процессида иштирок этаётган прокурор тақдимномада келтирилган важларни тасдиқлаб бериш шарт (317<sup>6</sup>-модда).

РФ ЖПКда “Суд қарорини қабул қилишнинг алоҳида тартиби” мавжуд бўлиб, унга кўра ўн йилдан ортиқ бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноят ишлари бўйича айбланувчи давлат айбловчиси, хусусий айбловчи ва жабрланувчининг розилиги билан судга суд муҳокамасини ўтказмасдан қарор қабул қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш орқали ишни қисқартирилган шаклда кўришни сўраши мумкин. Бу тоифадаги ишларда давлат айбловчиси судланувчига қўйилган айбловни ўқиб эшитиради, сўнг судья судланувчи томонидан киритилган тақдимномага розилиги ва бошқа бир қатор масалаларни аниқлаб, жиноят учун назарда тутилган энг кўп жазо тури ёки жазонинг энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан кўп бўлмаган миқдорда жазо тайинлаб, ҳукм чиқаради.

Миллий қонунчиликда соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг айрим, яъни ярашув ёки амнистия актини қўллаш каби кўринишлари мавжуд бўлсада, бироқ “Суд қарори қабул қилишнинг алоҳида тартиби” иш юритиш белгиланмаган. “Суд қарори қабул қилишнинг алоҳида тартиби” институтини ижобий баҳолаб, миллий қонунчиликка имплементация қилиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, РФ жиноят-процессуал қонунчилигидаги судда прокурор ваколатининг кенглиги, яъни судда иштироки мажбурийлиги, прокурорни алмаштиришга йўл қўйилиши, дастлабки суд эшитувида прокурор ваколатлари, оқланган шахсларни давлат номидан кечирим сўраш амалиёти, соддалаштирилган тартибда иш юритиш институтининг мавжудлигини ижобий деб, бироқ прокурорнинг “давлат айбловчиси” процессуал мақомда судда иштирок этишини салбий жиҳат деб баҳолаш мумкин. Ваҳоланки, прокурор судда фақат айбловни қувватламайди, балки, қонун вакили сифатида айбловнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига кўмаклашади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Федеральный Закон “О прокуратуре Российской Федерации” (в редакции Федерального закона от 17 ноября 1995 года N 168-ФЗ) (с изменениями на 6 февраля 2020 года) [электрон кутубхона], қаралган вақти 01.07.2020 й <http://docs.cntd.ru/document/9004584>;
2. Конституции РФ 1993 г. –С 120;
3. Королев Г.Н. Теоретические и правовые основы осуществления прокурором уголовного преследования в российском уголовном процессе: дис. ... д-ра юрид. наук. Н. Новгород, 2005 ; Лазарева В. А. Прокурор в уголовном процессе. –С 33, 35–56; Лукожев Х. М. Проблемы поддержания государственного обвинения в суде первой инстанции : дис. ... канд. юрид. наук. Краснодар, 2006. –С 89; и др;
4. Литвинцева Н.Ю., Иванова Е.А. Функция государственного обвинителя: сравнительно-правовой анализ // Nauka-rastudent.ru. – 2017. – No. 04 (040) / [электронный ресурс], – Режим доступа. – URL: <http://nauka-rastudent.ru/38/3986>;
5. “Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации” от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 08.12.2020) (с изм. и доп., вступ. в силу с 19.12.2020) [электрон кутубхона], қаралган вақти 13.01.2021 й <http://docs.cntd.ru/document/9004584>;
6. “Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации” от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 08.12.2020) (с изм. и доп., вступ. в силу с 19.12.2020) [электрон кутубхона], қаралган вақти 13.01.2021 й <http://docs.cntd.ru/document/9004584>;
7. Приказ Генеральной прокуратуры РФ от 20 ноября 2007 г. № 185 “Об участии прокуроров в судебных стадиях уголовного судопроизводства”// <https://www.garant.ru/products/ipo/prime/doc/1256729/>;
8. Федеральный закон “О прокуратуре Российской Федерации” от 17.01.1992 № 2202-1 // СПС “Консультант Плюс”;
9. Копылова О.П. Роль прокурора в различных стадиях уголовного процесса: Лекция. Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2004. – С 14;
10. Участие прокурора в рассмотрении уголовных дел судами: монография/ Н.В.Буланова; Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – Москва: Проспект, 2018. –С 15.



**Беҳзод МУМИНОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби доценти,  
ю.ф.н.

## СУД НАЗОРАТИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

*Амалиётда ишни судга қадар юритиш учун масъул органлар томонидан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида илтимоснома киритиш жараёнидаги иккита асосий муаммони қайд этиш зарур.*

Биринчидан, гумон қилинувчи ва айбланувчининг оғирроқ жиноят содир этганлиги ҳақида тасдиқланмаган ёки тезкор маълумотлар асосида унинг қилмиши квалификациясини сунъий равишда оғирлаштириш бўлса, иккинчидан, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун ЖПКнинг 236-моддасида кўрсатилган асослар санаб ўтилса-да, асослантирилмаслигидир.

2020 йилда судлар томонидан 781 нафар шахс оқланиб, реабилитация қилинган, 5 958 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланган ёки қайта малакаланган<sup>1</sup>. Бу эса мазкур шахсларнинг аксариятига нисбатан процессуал мажбурлов чоралари асоссиз қўлланганлиги, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари поймол қилинганлигини англатади.

Айблов учун далилларнинг етарлилигини текшириш ҳақидаги кўрсатманинг мавжуд эмаслиги ўзбошимчалик билан қамоққа олишга тақиқни кенг қўламда бузилишига шароит яратади. Аслида суд қамоққа олиш масаласини ҳал қилишда

жиноий таъқибни амалга оширувчи органларнинг айбланувчи (гумон қилинувчи) томонидан содир этилган қилмиш, терговчи томонидан Жиноят кодекси Махсус қисми муайян қисми билан (баъзан ортиғи билан) квалификация қилинганлигидан йўналиш олиши мумкин эмас. Шахснинг шахсий дахлсизликка бўлган ажралмас ҳуқуқини чеклашда айблов (гумон)нинг исботланганлиги ва квалификациянинг тўғрилиги суд назорати доирасидан чиқарилиши мумкин эмас<sup>2</sup>.

Суднинг ўз ажримидан тергов органларида шахснинг жиноятга дахлдорлиги ҳақида етарли маълумотлар мавжудлиги ҳақида ҳавола қилиши, судьянинг шахснинг жиноят содир этишга дахлдорлиги ҳақида гумоннинг асослилигини текширмаслиги ва баҳоламаслиги жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилиши сифатида баҳоланиши зарур, сабаби амалда бундай ҳолат шахснинг одил судловга бўлган ҳуқуқини йўққа чиқаради.

Қонуний қарор қабул қилиш учун судьяга жиноят иши материалларида мавжуд бундай эҳтиёт чораси қўллаш асосларини кўрсатувчи маълумотларни, шунингдек, ишнинг фактик ҳолати билан таққослаш, яъни шахсга ўзининг нуқтаи назарини судга етказиш имконини берган ҳолда эҳтиёт чораси танлаш ёки ушбу эҳтиёт чорасини узайтиришни фактик ва ҳуқуқий асосларини қиёсий тадқиқ этиш талаб этилади, токи шахсни қамоққа сақлаш масаласини ўзбошимчалик билан ёки қандайдир формал шартлардан келиб ҳал қилиш мумкин бўлмасин, қабул қилинадиган қарор ҳам, айблов ҳам ҳимоя томонидан келтирилган ҳолатларни мустақил баҳолашга асослансин.

Судда айбнинг исботланганлиги эмас, балки ушлаб туриш ва қамоққа сақлаш учун сабаб бўлган гумоннинг асослилиги кўриб чиқилади.



Асосли гумон етарли далилларнинг мавжудлигини англатади. Шахснинг жиноят содир этишга дахлдорлиги ҳақида гумоннинг асослилигини текшириш чоғида судья шахснинг айблилиги масаласи муҳокамасига киришиши мумкин эмас. Судья нимани текширади? Аёнки, судья жиноят иши бўйича далилларни текширади<sup>3</sup>. Агар айбловнинг исботланганлиги ёки гумоннинг асослилиги айбланувчини изоляция қилишда асосий фактор сифатида эътиборга олинмаганида эди, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳоллари жуда ҳам кўп бўлар эди<sup>4</sup>.

З.Ф. Иноғомжонова ҳам мазкур нуқтаи назарни маъқуллаб, шунинг учун ҳам судья шахсни қамоққа олишни ижобий ҳал қилишда қуйидаги икки шартга риоя қилиши: 1) гумон қилинувчи, айбланувчига бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш имкони йўқ деб ҳисоблаганда; 2) айбланувчига айб эълон қилиш учун етарли далиллар мавжуд бўлганида, чунки айб ўз ечимини топган, исботланган далилларга асосан эълон қилинган бўлиши керак<sup>5</sup>лигини таъкидлаган.

Шу ўринда “айб эълон қилиш учун етарли далиллар мавжудлиги” нимани англатади деган савол туғилади. Далилларнинг етарлилиги биринчидан, мазкур қарор учун биргаликда ишнинг фактик ҳолатларини аниқлаш имконини бериши, мазкур фактик ҳолатлар ҳақида қонунда белгиланган даражада хулоса қилиш имконини бериши билан белгиланади<sup>6</sup>.

Жиноят-процессуал ҳуқуқида “асослилик” тушунчаси юзасидан умумий фикр мавжуд эмас, масалан Ю.В.Манаевнинг фикрига кўра, “қарорларнинг асослилиги” бу уларнинг мазмунан тўғрилиги, объектив воқелик фактларига мувофиқлигидир<sup>7</sup>.

ЖПКнинг 455-моддаси 2-қисмида белгиланган ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилиши ҳақидаги қоида мазкур тушунчанинг мазмунини тўлиқ бўлмаса-да очиб берган.

Суд назорати доирасини чеклаш унинг самарадорлиги ва процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларига таъсир қилишини инобатга олган ҳолда, Қозоғистон Республикасида 2017 йил 11 июлда ЖПКнинг 148-моддасига ўзгартириш киритилиб, судга нафақат қамоққа олиш асослари мавжудлиги, балки шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиш учун асослар мавжудлигини текшириш ваколати берилган.



Бундан ташқари Қозоғистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 24 январдаги “Эҳтиёт чорасига санкция беришнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қароридан суд томонидан шахсни жиноят содир этганликда гумон қилишнинг асослилигини текширмаслик қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллашга санкция бериш ҳақида ажримнинг бекор бўлишига асос бўлувчи жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилиши эканлиги аниқ белгилаб қўйилган<sup>8</sup>.

Навбатдаги муаммо илтимосномалардаги қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг асоси ҳеч қандай далил билан исботланмаганлигидир. Аксарият ҳолларда қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун расмий асос сифатида жиноятнинг оғирлиги кўрсатилади, бироқ ишнинг муайян ҳолати, яъни гумон қилинувчи ва айбланувчининг шахсига тааллуқли хусусиятлар етарли даражада эътиборга олинмайди.

Шунингдек, илтимосномаларда гумон қилинувчи ва айбланувчининг суриштирув ва терговдан яшириниши мумкинлиги, суддан бўйин товланининг олдини олиш, унинг кейинги жиноий фаолиятини олдини олиш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қиладиган уринишларига йўл қўймаслик, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсади каби мавҳум иборалар қўлланилади. Бироқ, прокурор томонидан мазкур асосларни исботловчи далиллар тақдим қилинмайди, судлар эса бунга етарли даражада эътибор қаратмайди.

Қамоққа олишни айбланувчини айбига иқрор бўлишдан бош тортиши, илтимосномалар киритиши, ҳаттоки терговчининг

назарида асоссиз бўлса ҳам кўрсатмаларини инкор қилиши, очикдан-очик ёлгон кўрсатма бериши, уларни бир неча маротаба ўзгартириши билан асослаш мумкин эмас, чунки бунда айбланувчининг айбловдан ҳимояланиш учун ўзининг ҳуқуқларидан фойдаланиши намоён бўлади<sup>9</sup>.

Агар эҳтиёт чорасини танлаш ҳақида қарорга асос сифатида айбланувчининг эҳтимолий ўзини тутиши ҳақида субъектив фикр эмас, ишончли фактик маълумотлар олинса, қарорнинг ўзи ҳам ишончли бўлади.

Фақатгина айбловнинг оғирлигига асосланиб, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш амалиёти асоссиз эканлигини Европа инсон ҳуқуқлари суди ҳам таъкидлаган. Жумладан, кутилаётган ҳукмдаги жазонинг оғирлиги муҳим элемент бўлса-да, ўз-ўзидан судга қадар узоқ муддат қамоқда сақлашни оқлай олмайди<sup>10</sup>.

Кўпгина ҳолларда қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида суд ажримда қамоққа олиш учун асос бўлган ишнинг фактик ҳолатлари, айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар кўрсатилмайди.

Ҳаттоки, терговнинг шахс яшириниши мумкинлиги ҳақида тусмоли ҳам Европа инсон ҳуқуқлари судининг фикрига кўра, шахс ҳақида маълумотлар билан исботланиши зарур<sup>11</sup>.

В.А. Лазарева мазкур масала юзасидан фикр юритиб, айбланувчи, гумон қилинувчи, тергов ёки суддан яшириниш, жиноий фаолиятни давом эттириш, терговга тўсқинлик қилиш мақсади йўқлигини исботлашга мажбур эмаслигини билдирган эди<sup>12</sup>.

Колоколов Н. мазкур фикрни янада ривожлантириб, айбсизлик презумпцияси уларга нисбатан қамоққа олиш учун асослар бўлмаган барча айбланувчилар судга қадар озодликда бўлишини назарда тутишини<sup>13</sup> таъкидлаган.

Айни пайтда, прокурорнинг шахсни ушлаб туриш ва унинг судгача қамоқда сақланиши тўғрисидаги фикри, айниқса, ушлаб турилган шахснинг қочишга ҳаракат қилгани ёки гувоҳларни, жабрланувчиларни кўрқитиш, кўндириш, далилларни йўқ қилиш орқали терговга ҳалал беришга доир аниқ далилларни келтирмаган ҳолда унинг қочиши ёки тергов ҳаракатларига ҳалал бериши мумкинлиги тўғрисидаги фикри, прокурор илтимосномасини далиллар билан асослантирилмаганидан далолат беради<sup>14</sup>.

Қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш жараёнида, мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш зарурлигини асослаб бериш прокурорга юклатилган бўлса-да, амалиётда суд мажлисида прокурорнинг иштироки, фақатгина илтимосномани ўқиб бериш билан чегараланиб қолган. Суд мажлисида тарафларнинг тортишув принципи тўлақонли амал қилмаслиги суд назоратининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Прокурор суд мажлисида айблов учун далилларнинг етарли эканлиги, қилмиш тўғри квалификация қилинганлиги ва қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш асосларини исботлаб берган, ҳимоя томони эса мазкур асосларга қарши ўзининг важларини келтириш имконига эга бўлгандагина тарафларнинг тортишувини таъминланган деб айтиш мумкин.

Судья қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси айбсиз шахсга нисбатан қўлланмаётганлиги, етарли далиллар мавжудлиги ва унинг қилмиши етарли далиллар мавжуд бўлмаса-да, сунъий равишда оғирроқ модда билан квалификация қилинмаганлигига ишонч ҳосил қилиши зарур.

Ишни судга қадар юритиш босқичида тайинланган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси тайинланадиган жазога бевосита таъсир қилишини ҳам инкор этиб бўлмайди. Мельников В.Ю. ўзининг тадқиқоти натижасида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланганидан сўнг айбланувчига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланиши эҳтимоли 78 % га ортишини аниқлаган<sup>15</sup>.



Эҳтиёт чорасини танлаш жараёнида энг катта муаммолардан бири, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг шахси ҳақида маълумотларнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ. Баъзи ҳолларда, шахсни тавсифловчи ҳолатлар эмас, балки содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси эҳтиёт чорасини танлашда ҳал қилувчи омилга айланишининг бош сабаби ҳам ана шунда. Ушлаб туриш муддати давомида терговчи асосий этиборни шахсни тавсифловчи маълумотларга эмас, унинг айбини исботловчи далилларни йиғишга ҳаракат қилади. Жиноят ишида мазкур маълумотларнинг мавжуд эмаслиги судьяга объектив қарор қабул қилиш имконини бермайди, айниқса, ҳимоячи иштирок этмаган ҳолларда, айбланувчида суд мажлисида ушбу маълумотларни тақдим этиш имкони бўлмайди. Эҳтиёт чорасини танлашда айбланувчи жамият учун қай даражада хавfli эканлигини баҳолайдиган объектив мезонлар мавжуд эмаслиги масалани янада мураккаблаштиради. Европа Иттифоқи ва АҚШда тегишли эҳтиёт чорасини қўллаш тартибини такомиллаштириш учун хавfli баҳолаш методикасидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Масалан, Нью-Йоркда қуйидаги анча оддий омиллар учун баллар берилади. Ушбу омиллар амалий тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган белгиланган балл шкаласи бўйича тақсимланган:

- айбланувчининг яшаш жойида ишлайдиган телефоннинг мавжудлиги;
- айбланувчининг суд муҳокамасида дўсти ёки қариндошининг қатнашувини кутаётганлиги;
- айбланувчининг ота-онаси ёки турмуш ўртоғи билан яшаётгани;
- айбланувчининг иш ёки ўқиш жойи мавжудлиги<sup>16</sup>.

Бошқа турдаги эҳтиёт чораларининг самарадорлиги таъминланмаганлиги ёки таъминлаш имконининг мавжуд эмаслиги қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Ишни мазмунан кўришдан фарқли ўларок, қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўришда суд тергови ўтказилмайди, процесс иштирокчилари эшитилади, лекин сўроқ қилинмайди<sup>17</sup>.

Фикримизча, айнан мазкур чегарани белгилай олмаслик, шунингдек, суд назорати доирасини бузишдан ҳадиксираш судьяларга қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзида-

ги эҳтиёт чорасини қўллаш жараёнида суд томонидан мазкур институтнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилади. Судьялар ҳар доим ҳам энг оғир эҳтиёт чорасини қўллашни тўлиқ ва ҳар томонлама текшириш учун ваколатларидан тўлиқ фойдаланмайди, мазкур масалани ҳал қилишда формал текширув элементлари мавжуд. Судьянинг суриштирув ёки терговнинг фикрига боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил равишда бошқа эҳтиёт чорасини танлаш ваколатидан амалиётда кўпроқ фойдаланиш зарур.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/20/jail/>;
2. Пашин С.А. Санкционирование ареста судом. [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=32486497#pos=176;-13](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=32486497#pos=176;-13;);
3. Колоколов Н.А. Решения судебно-контрольных инстанций в призме учения профессора П.А.Лупинской Материалы международной научно-практической конференции. "Современные проблемы доказывания и принятия решений в уголовном процессе. Социальные технологии и правовые институты М., 2016. С. 223;
4. Цоколова О.И. Проблемы совершенствования оснований применения меры пресечения в виде заключения под стражу // Российский следователь. – 2005. – № 5. – С. 10;
5. Иногомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари. Юридик фанлари доктори дисс. автореф. -Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2006. -83 б;
6. Колоколов Н.А. Решения судебно-контрольных инстанций в призме учения профессора П.А.Лупинской Материалы международной научно-практической конференции. "Современные проблемы доказывания и принятия решений в уголовном процессе. Социальные технологии и правовые институты М., 2016. С. 218;
7. Манаев Ю. В. Законность и обоснованность процессуальных решений следователя в советском уголовном судопроизводстве. Волгоград, 1977. С. 81;
8. [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=33808341#pos=4;-112](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=33808341#pos=4;-112)
9. Короткий Н.Н. Процессуальные гарантии неприкосновенности личности подозреваемого и обвиняемого в стадии предварительного расследования.– М., 1981. – С. 78–79;
10. Постановление ЕСПЧ от 03 ноября 2004 г. "Дело Кляхин против Российской Федерации" жалоба №46082/99. URL :<https://roseurosud.org>;
10. Постановление ЕСПЧ от 24 января 2012 г. "Дело Самойлов против России" // Бюлетень Европейского суда по правам человека. 2012 №11;
12. Лазарева В.А. Доказывание оснований ограничения свободы при рассмотрении судом ходатайства о применении меры пресечения в виде заключения под стражу // сб. науч. тр. международной научно-практической конференции "Доказывание и принятие решений в современном уголовном судопроизводстве" (посвященной памяти профессора П.А. Лупинской). – М., 2011. – С. 258–259;
13. Колоколов Н. Правосудие в Канаде: пример успешного решения организационных проблем // Уголовное право. – 2001.– № 2. – С. 84;
14. Суд ишيني адолатли кўриб чиқишга оид халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси жиноят процесси. Ҳуқуқшунослар учун амалий қўлланма. 49 бет Женева, 2011 йил;
15. Мельников В.Ю. Обеспечение и защита прав человека при применении мер процессуального принуждения в досудебном производстве Российской Федерации. Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. Москва, 2014. С. 131;
16. Шварц О. Содержание под страже в качестве меры пресечения: проблемы и перспективы // Человек и закон. 2009. № 3. с.35;
17. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси-га шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ф.А.Абдумажидов. –Т.: ТДҶЮ наشريёти, 2009. 398-бет.



**Ахтам ТУРСУНОВ,**  
ИИВ Академияси  
Хуқуқбузарликлар  
профилактика-  
си кафедраси  
бошливи,  
ю.ф.д., профессор

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



**Фарход ПРИМОВ,**  
ИИВ Академияси  
Хуқуқбузарликлар  
профилактикаси  
кафедраси доценти,  
ю.ф.б.ф.д., доцент

**АННОТАЦИЯ:** Мазкур мақолада Ўзбекистонда янги парламентнинг шаклланиши, бундай шароитда парламент зиммасига янги сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий вазифаларнинг юкланиши, парламентаризм институтини босқичма-босқич кенг жорий этиб бориш, хусусан, давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ролини ошириш, суд ва ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантиришда парламентнинг иштироки ҳамда ваколатларини янада кенгайтириш масалалари баён этилган. Шунингдек, мақолада Ўзбекистонда профессионал парламентни шакллантириш юзасидан тегишли таклифлар илгари сурилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** парламент, вакиллик органлари, парламент назорати, парламент текшируви, қонун, қонун ижодкорлиги, сиёсий партиялар, депутат, сенатор, маҳаллий давлат органлари.

Бугунги кунда юртимизда профессионал парламентни шакллантириш лозимлигини ҳеч ким инкор этмайди. Профессионал парламентнинг шаклланиши эса бир қатор омилларга боғлиқ. Бунда аввало, парламентнинг ҳуқуқий асослари қандай шакллантирилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки, парламентнинг ҳуқуқий мақоми унинг профессионал даражада фаолият юритишига имкон бермоғи лозим. Шу билан бирга парламент қачонки, профессионал депутатлардан ташкил топган бўлсагина унинг ўзи ҳам профессионал бўлиши мумкинлигини назарда тутиш жоиз. Агар депутатлар профессионал бўлмаса, унда профессионал парламентни шакллантиришга қаратилган барча ҳаракатлар ва чора-тадбирлар шубҳасиз зое кетади. Профессионал парламент ҳақида сўз юритилганда унга номзодларни тақдим қилувчи сиёсий партияларнинг кадрлар тайёрлаш мактаби ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим, яъни ҳар бир партия ўзининг бўлғуси депутатларини олдиндан тайёрлаб, шакллантириб бориши керак. Умуман олганда мамлакатимизда профессионал парламентни шакллантиришда бир қатор омилларни ҳисобга олиш зарур. Куйида шулар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистонда профессионал парламентни шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

*биринчидан,* назорат қилиш бўйича ваколатларини муайян даражада янада кенгайтириш. Агар парламентнинг, яъни қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг асосий вазифаси ўз номидан келиб чиқиб қонунларни қабул қилишдан иборат дейдиган бўлсак, жиддий хатога йўл қўйган бўламиз. Нега деганда қонунларни қабул қилишнинг ўзи билангина иш битмайди. Аслида қонунларни қабул қилиш масаланинг ярми дегани, унинг иккинчи ярми эса қабул қилинган қонунларнинг ижроси ҳисобланади. Бунинг

учун парламент ўзи томонидан қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий-ҳужжатларнинг ижроси устидан ҳам назоратни ўрнатиши ва амалга ошириши жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, мамлакатни демократлаштириш жараёнида парламент халқ вакиллиги ва қонун чиқарувчи орган сифатида фаолият юритади. Шу билан бирга, у назорат вазифаларини ҳам бажаради. Назорат функцияси – парламентнинг энг муҳим ва масъулиятли вазифаларидан биридир. У замонавий парламентаризм принципининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда қўлланишига хизмат қилади.

**Парламент назорати** – қонунларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини, давлатда қонунийликнинг мустаҳкамланиши ва давлат бошқарувининг самарадорлигини таъминлайди<sup>1</sup>.

Бу борада ҳатто айрим муаллифлар Олий Мажлис палаталарининг қонунларнинг ижросини таъминлашга оид фаолиятини кучайтириш нуқтаи-назаридан, Олий Мажлиснинг қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириш мақоми билан бирга қонунларнинг ижроси устидан парламент назоратини амалга оширувчи субъект эканлигини Конституцияда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни ва қонунларнинг ижроси устида парламент назоратини амалга оширади” деб белгилаб қўйиш ҳамда парламент қонунларни қабул қилдимми, мазкур қонунларнинг ижросини назорат қилиш функцияси ҳам унинг асосий вазифаси бўлиши лозим деб ҳисоблайди<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал



этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, шунингдек қонун устуворлиги ва адолатни таъминлаш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш зарурати, парламент назорати институтини ислоҳ қилишни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан парламентнинг ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш бўйича ваколатларини янада такомиллаштириш лозим. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунида парламент назоратининг объектлари ва шакллари белгиланган<sup>3</sup>. Аммо ушбу қонун нормаларига эътибор берадиган бўлсак парламент назорати асосан ижро этувчи ҳокимиятнинг юқори турувчи субъектлари – ҳукумат аъзолари фаолиятига қаратилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Бирок, парламент назоратини тўғридан-тўғри ижро этувчи ҳокимият органларининг ўрта ва қуйи бўғинлари ва улар раҳбарларининг фаолиятига қаратиш асослари белгиланмаган. Ваҳоланки, қонунларнинг бевосита ижро этилиши ижро этувчи ҳокимият органларининг ўрта ва қуйи бўғинлари, шу жумладан давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўғинлари томонидан амалга оширилади.

Мамлакатимизда парламент назоратининг янада таъсирчанлигини ҳамда самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилган ислохотларнинг навбатдаги мантиқий босқичи сифатида парламент назоратини бевосита ижро этувчи ҳокимият органларининг ўрта ва қуйи бўғинлари, шу жумладан давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўғинларига ҳам қаратиш лозим;

*иқкинчидан*, парламент текшируви институтини такомиллаштириш. Парламент назорати ҳақида сўз кетганда парламент текшируви хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Мамлакатимиз қонунчилигида парламент текшируви парламент назоратининг шаклларида бири сифатида белгиланган<sup>4</sup>.

Парламент текшируви жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг сабаблари, уларнинг оқибатлари, фактлар ҳамда шу кабиларни ҳаққоний аниқлаш ва баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга.

Бирок, таҳлиллар мамлакатимизда парламент текшируви имкониятларидан тўлиқ фойдаланишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари ҳали етарли даражада шаклланмаганлигини кўрсатмоқда. Бир қатор хорижий мамлакатларда бу борада, яъни парламент текшируви оид алоҳида қонунлар қабул қилинганлигини кўриш мумкин.

Халқаро тажрибага кўра, одатда инсон ва фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ



ва эркинликларининг қўпол ёки оммавий бузилиши, техноген ва табиий характердаги фавқулдда ҳолатлар юзага келиши сабаблари ва уларнинг оқибатлари, давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш, ижро этишдаги қўпол қонун бузилишлар парламент текшируви орқали ўрганилади. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда ҳам парламент текширувини ўтказишга арзигулик воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ҳамда фактик ҳолатлар (Юнусобод метроси қурилишидаги ҳалокат ҳамда “Сардоба” сув омбори тўғрисидаги ўпирилиши сабаблари ва оқибатлари, хусусий бандлик ташкилотлари томонидан содир этилган оммавий фирибгарликлар, коронавирус пандемияси даврида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларининг талон-тарож қилиниши кабилар) юз берганлигини кўриш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, парламент текширувининг мақсади ва вазифалари, унинг предмети, муддати, парламент текширувини кўзғатиш ташаббуси, парламент текширувини кўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби, парламент текшируви комиссиясини шакллантириш тартиби, парламент текшируви комиссияси ва унинг аъзоларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда уларнинг ишлаш тартиби, парламент текшируви комиссиясининг якуний хулосаси, парламент текшируви натижалари каби масалалар юзасидан алоҳида қонун қабул қилиниши лозим;

*учинчидан*, парламент назорати натижаларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш. “Парламент назорати тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасида парламент назоратининг натижалари белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу моддада парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритиш; тегишли давлат органларига, хўжалик бошқаруви органларига таклиф ва тавсиялар киритиш; мурожаатлар қилиш, улар томонидан киритилган маърузалар, ҳисоботлар, ахборот ҳамда бошқа материалларни улар юзасидан мулоҳазалар ва таклифларни кўрсатган ҳолда маромига етқа-

зиш учун қайтариб юбориш; парламент назорати материалларини ваколатли давлат органларига ўз ваколатларига мувофиқ кўриб чиқиш учун юбориш; фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли давлат органларига, хўжалик бошқаруви органларига ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат қилиш; мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, уларни лавозимидан озод этиш тўғрисида тегишли давлат органларига, хўжалик бошқаруви органларига таклифлар ва тавсиялар киритиш; янги қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқиш қабили белгиланган.

Кўриниб турибдики юқоридагиларнинг барчаси тавсиявий ва билвосита таъсир этиш хусусиятига эга. Парламент назоратининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг натижалари таъсирчанлигига боғлиқ. Муаммо ва камчиликнинг аниқланиши унинг ечимининг бир қисми, уларни бартараф этиш эса тугалланган ечими ҳисобланади. Назаримизда, парламент назорати натижаларига кўра тегишли мансабдор шахсларни, ҳатто ҳукумат аъзоларини лавозимдан озод этиш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш, қонун ҳужжатлари бузилиши мумкин эмаслиги ҳақида мансабдор шахсларни огоҳлантириш, кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, давлат органлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) тўхтатиб қўйиш, давлат органлари, шунингдек улар мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган топшириқлар бериш каби қарорларнинг тўғридан-тўғри парламент назорати субъектлари томонидан қабул қилиниши мақсадга мувофиқ;

*тўртинчидан*, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш.



Афсуски, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда Қонунчилик палатасининг роли паст. Хусусан, 2015-2019 йилларда Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилган қонун лойиҳаларининг бор-йўғи 16,8 фоизигина Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан киритилган<sup>5</sup>. Шунингдек, парламент қонунларнинг қабул қилиниши билан ўз ишини яқунладим, деб тўхтаб қолиши керак эмас. Балки, ушбу қонунларнинг ижросига оид қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши ҳам ташкил этиши керак. Чунончи қабул қилинган қонунларнинг тўлақонли “ишлаши” кўп ҳолларда тегишли қонуности ҳужжатининг қабул қилинишига боғлиқ ҳисобланади. Яна бошқа томондан эса қонун ва қонуности ҳужжатлари бир-бирига расмий-юридик мос бўлишининг ўзи етарли эмас. Бунда улар ўртасида концептуал уйғунлик бўлиши, қонунларда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлар қонуности ҳужжатлари билан бўғиб қўйилмаслиги керак.

Қонунчилигимизда қонуности ҳужжатлари салмоғи катта бўлиб биринчидан, уларда уни ишлаб чиққан идоравий манфаатлар мустаҳкамланиши ҳоллари учрайди; иккинчидан, улар қонунлардаги нормаларнинг бевосита ижро механизмини яратишда тўсиқлар қўйиши мумкин; учинчидан, идоравий ҳужжатларнинг сифат даражаси ва бошқа норматив ҳужжатлар билан уйғунлиги ҳар доим ҳам талаб даражасида бўлавермайди<sup>6</sup>. Шунингдек, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муайян соҳани чуқур, атрофлича, яхши биладиган соҳа мутахассислари томонидан тайёрланади, аммо иккинчи томондан бундай ҳужжатларда муайян идора, маҳкаманинг манфаатлари очиқ ёки яширин тарзда мустаҳкамлаб қўйилиши ва натижада умумижтимоий манфаатлар камситилиши мумкин<sup>7</sup>.

Айрим хорижий давлатлардаги (АҚШ, Польша, Россия, Украина, Франция) сингари тегишли қонун лойиҳасини парламентга киритиш чоғида ушбу қонун лойиҳаси қонун бўлиб қабул қилинган унинг ижросига оид бўлган қонуности ҳужжатлари лойиҳаларини ҳам талаб қилиш механизмини жорий қилиш лозим. Бунинг учун эса Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги қонунининг 27-моддаси (Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳасига илова қилинадиган ҳужжатлар)да қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилаётганда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхатига тегишли қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан унинг ижроси юзасидан қабул қилинадиган қонуности ҳужжатларининг лойиҳаларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Қонунчилик палатаси эса тегишли қонунни қабул қилишда унинг ижро-

сига оид қонуности ҳужжатлари лойиҳасини ҳам кўриб чиқади;

*бешинчидан*, сиёсий партияларнинг кадрлар тайёрлаш мактаби ва захирасини шакллантириш тизимини такомиллаштириш. Парламент ҳаётида унинг аъзолари муҳим ўрин тутаяди. Бошқача айтганда парламент аъзолари қандай бўлса, унинг ўзи ҳам шундай бўлади. Шу сабабли парламентни шакллантиришда энг муносиб номзодларни тақдим этиш муҳим аҳамиятга эга. Албатта ҳар бир партия депутатликка номзод сифатида муайян талабларга жавоб берадиган шахсларни тақдим этади.

Афсуски, бугунги кунда сиёсий партияларнинг кадрлар сиёсатини қониқарли деб бўлмайди. Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида “Кадрлар захирасини шакллантириш ва уларнинг малакасини ошириш, партиянинг муносиб фаолларини давлат хизматига тавсия этиш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Сиёсий партияларга кадрлар қаердан келмоқда, уларнинг билими, савияси, тажрибаси, жамоатчилик ўртасидаги обрўси қандай? Буни ким ўрганмоқда, ким бунга баҳо бермоқда? Афсуски, ҳеч ким” деб таъкидлаган эди.

Шу сабабли сиёсий партияларнинг кадрлар сиёсатини тубдан такомиллаштириш лозим. Демократияни парламентдан бошлаш, парламентни демократия мактабига айлантириш, бу борада депутат ва сенаторларнинг барчага намуна бўлиши, чинакам баҳс-мунозара, принципиал тортишувларнинг парламент минбарида бўлиши учун сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган номзодлар бунга тайёр бўлиши керак. Сенатор ва депутатлар зиммасига жуда улкан сиёсий масъулият юкланганки, бу масъулиятни адо этиш учун уларнинг аввалги фаолиятидаги тажрибаларининг ўзи етарли эмас. Бўлғуси сенатор ва депутатлар партиянинг сиёсий мактабини тамомлаган, сиёсий партия қозонида обдан қайнаган, том маънода сиёсий партиянинг аскарига айланган бўлиши даркор.

Сиёсий партиянинг кадрлар сиёсати албатта унинг ўз иши, бу масалага давлат томонидан аралашилмайди. Аммо, мазкур масалада давлат томонидан кўмаклашиш талаб этилади. Эҳтимол, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунда сиёсий партияларнинг кадрлар сиёсатига оид ҳуқуқларини кафолатлашга оид нормалар киритиш фурсати етгандир;

*олтинчидан*, парламент фаолиятини амалга оширишга кўмаклашувчи тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш. Юқорида таъкидлаганимиздек, парламент зиммасига ғоят залворли вазифалар юкланганки, мазкур вазифаларнинг тўлақонли амалга оширилишида махсус тузилмалар фаолиятининг йўлга қўйилиши муҳим амалий аҳамият касб



этади. Шу сабабли парламент фаолиятини илмий, ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини ошириш, парламентнинг қонун ижодкорлиги ишлари сифатини тубдан яхшилаш мақсадида 2017 йил 29 декабрда Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди ва парламентимизга ўзининг қонунчилик функциясини янада самарали амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, парламентнинг қонунчиликдан ташқари бошқа функциялари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, бугунги кунда парламентимизга ҳақиқий демократия мактабига айланиш, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлишдек улкан ижтимоий-сиёсий вазифа юкланмоқда.

Ташкил этилган мазкур институт ижтимоий-сиёсий жараёнлар бўйича футурологик тадқиқотлар ўтказиши, ислохотларнинг, энг муҳим сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий масалаларни ўзига қамраб олган йирик ҳажмдаги таҳлилий материаллар ва маълумотларни қисқа вақт мобайнида ишлаб чиқиб, умумлаштириб, чуқур стратегик таҳлил ўтказувчи ва шу асосда парламентни тегишли маълумотлар билан таъминловчи институт бўлиши талаб этилади;

*еттинчидан*, парламентнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи қонун ҳужжатларини тизимлаштириш. Ўтган йиллар мобайнида парламент фаолиятига оид қатор қонунлар қабул қилинди. Бу борада Ш.Х. Зулфикаров парламент фаолиятига оид қонунлар мазмунан, моҳиятан, тизимлаштириш нуқтаи назаридан бир бирига яқин қонунлар ҳисобланади. Мазкур қонунларни тизимлаштирган ҳолда ягона “Парламент кодекси”ни ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблайди<sup>8</sup>. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда парламентнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи қонун ҳужжатларини тизимлаштириш зарурати вужудга келган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, парламентнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришда, шу жумладан тизимлаштиришда маҳаллий вакиллик органларининг ҳам ҳуқуқий асосларини қайта

қўриб чиқиш масаласига эътибор қаратиш лозим. Ўтган йиллар мобайнида миллий парламентимизнинг, олий вакиллик органининг ҳуқуқий асослари яратилди. Аммо, ҳудудий вакиллик органларининг ҳуқуқий асослари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Бу борада Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Маҳаллий ҳокимлик ва Кенгашлар бундан 27 йил аввал, яъни ҳокимлик институти жорий этилган дастлабки пайтда қабул қилинган қонун асосида ишламоқда. Бу ҳужжат бугунги ислохотларимиз талабларига мутлақо жавоб бермаслигини ҳисобга олиб, уни тубдан янгилаш зарур”<sup>9</sup> деб, таъкидлаган эди. Бунда маҳаллий вакиллик органлари ҳамда парламент ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Нега деганда, маҳаллий вакиллик органлари ҳамда парламент ягона ва яхлит вакиллик органлари сифатида умумий ташкилий-ҳуқуқий механизмга бирлашмаган;

саққизинчидан, депутат ва сенаторларни ўзлари сайланган ҳудуд билан боғлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳудудларга бориб аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш, муаммоларини жойида ўрганиш ва уларни ечиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда депутат ва сенаторларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўрта ва қуйи бўғинлари билан бўладиган муносабатларини аниқ тартибга солишни назарда тутувчи механизмларини ишлаб чиқиш лозим. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев парламентга Мурожаатномасида “депутат ва сенаторларни ўзлари сайланган ҳудуддаги муаммолар, тегишли вазирлик ва ҳокимликлар томонидан қай даражада ҳал этилаётганлигини доимий ўрганиб, назорат қилиб боришга чақираман”<sup>10</sup> деб, таъкидлаган эди. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда (17 йил олдин) қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунининг 7-моддасида депутатнинг ва сенаторнинг ҳуқуқлари белгилаб қўйилган бўлиб, унда депутатнинг ва сенаторнинг асосан палата мажлислари билан боғлиқ ҳуқуқлари назарда тутилган бўлиб, ўзи сайланган сайлов округидаги фаолиятига оид ҳуқуқлари белгиланмаган. Шунингдек, ушбу қонунда назарда тутилган депутатнинг сайловчилар билан, сиёсий партия билан олиб борадиган ишлари, депутатнинг сайлов округидаги ишларини ташкил этиш, депутатнинг сайлов округидаги ишларини ташкил этишга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўмаклашишга оид нормалар бугунги кунда депутатларнинг жойлардаги фаолиятини тўлиқ ва талаб даражасида белгилай олмайди. Бизнинг назаримизда, депутатнинг ўзи сайланган ҳудуддаги фаолияти алоҳида

ҳуқуқ институти даражасида тартибга солиниши лозим. Зеро, депутатнинг фаолияти фақатгина қонун ижодкорлиги жараёни билан чегараланиб қолиши керак эмас. У халқнинг бевосита вакили сифатида халқ билан ёнма-ён ва ҳамнафас бўлиши зарур;

тўққизинчидан, миллий парламентни янада ривожлантириш ҳақида сўз юритилар экан, унинг хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги ролини ошириш, уларнинг ижтимоий мақомини мустаҳкамлаш, ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида парламентнинг ўрни ва ролини янада ошириш зарур. Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёевнинг парламентга Мурожаатномасида Олий Мажлис палаталари ва ҳукуматга хотин-қизларнинг жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги мавқеини янада оширишга қаратилган яхлит тизим яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш таклиф этилди. Бу борада Олий Мажлиснинг хотин-қизлар масалалари бўйича вакили институтини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, бошланган ислохотларни давом эттириш, мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини таъминлаш, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиринишларига эришиш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини мустаҳкамлаш каби масалалар бевосита парламент фаолиятига боғлиқ бўлиб қолаверади ва бу ўз навбатида парламентимизни ислох қилишни талаб қилмоқда.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хасанов А.А. Ўзбекистонда парламент назорати институтини демократлаштириш жараёни: Сиёс. фан. бўй. фалс. д-ри. дис. – Т.; 2017 – Б. 11., Мухаммадиева О.Н. Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-фалсафий таҳлили: Фалс. фан. бўй. фалс. д-ри. дис. – Т., 2019 – Б. 5;
2. Зулфиқоров Ш.Х. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри. дис. – Т., 2020 – Б. 29;
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган “Парламент назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-403-сонли қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/2929477>;
4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган “Парламент назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-403-сонли қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/2929477>;
5. Учинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фаолияти тўғрисида ахборот / Parliament.uz
6. Раҳмонқулов Ҳ.Р., Азизов Х.Т. Тадбиркорлик субъекти хусусий мулк ҳуқуқининг фуқаролик-ҳуқуқий кафолатлари: монография. – Т., 2013. – Б.135;
7. Оқолов О. Тадбиркорлик қонунчилигини ривожлантириш ва тизимлаштиришнинг илмий-концептуал масалалари // Тадбиркорлик қонунчилигини такомиллаштириш масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2015. – Б. 17–18;
8. Зулфиқоров Ш.Х. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг фаолиятини мақоми: Юрид. фан. д-ри. дис. – Т., 2020 – Б. 26;
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
10. Ўша манба.

# СУД ИШЛАРИ ЮРИТУВИДА СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИК



**Акром  
МУҲИДДИНОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби  
тингловчиси

**Тааллуқлилик у қаратилган объект – “арз қилинаётган талаб”, “низо”, “иш” билан тавсифланишини инобатга олиб, “судга тааллуқлилик” атамаси юридик адабиётларда ва процессуал қонунчиликда нотўғри қўлланилганлиги қайд этилади ва ушбу атама ўрнига “иқтисодий ишларнинг тааллуқлилиги”, “фуқаролик ишларнинг тааллуқлилиги”, “маъмурий ишларнинг тааллуқлилиги” каби атамаларни қўллашни мақсадга мувофиқ ҳисоблашади.**

Ягона суд тизимига кирувчи судлар ўртасида арз қилинган талаблар айнан қайси суд ваколатига тегишли эканлигини аниқлашда “тааллуқлилик институти”ни эмас, балки “судловлилик институти” ва “судловлилик қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари”нинг айрим қоидаларини қўллаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келинди.

Судлар ишларни ошкора кўриши орқали ҳар бир фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишига кафолат яратади. Мустақил ва ҳолис судни талаб қилиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган бошқа халқаро ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган. Маъмурий судлар суд ҳокимиятининг бир тармоғи сифатида қонун билан фақат ўзига юклатилган низоларга доир ишларни кўриб ҳал қилади. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26-моддасига кўра, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

Маъмурий судлар ўз табиатига кўра фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқишга қаратилган. Маъмурий судлар томонидан кўриладиган оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар – бу бир томондан фуқаролар ва юридик шахслар бўлса, бошқа томондан давлат органлари ва уларнинг мансабдор

шахслари ўртасидаги ҳуқуқий низолар бўлиб, бунда ҳар бир шахс Конституциямизда белгилаб қўйилган ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини амалга оширади.

Жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан берилган шикоятлар, давлат органининг, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризалар ҳам маъмурий судлар томонидан кўрилади.

Мамлакатимиз қонунчилигида фуқаролик, жиноят ва иқтисодий суд ишларини юритиш билан бир қаторда маъмурий суд ишларини юритиш алоҳида соҳага ажратилганлиги, қолаверса, маъмурий процесс бошқа суд ишларини юритишда ўзига хос бўлган жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туриши Маъмурий суд ишлари юритиш тўғрисидаги кодексни қабул қилишини тақозо этди.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича судларга мурожаат қилиш муддатлари, тартиби, кўриб чиқиши МСИЮтҚда ва бошқа қонунларда белгиланган.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан ажратиб турадиган муҳим жиҳати – унда бир тарафда албатта мансабдор шахс ёки давлат бошқаруви органининг қатнашишидир. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда эса ҳар иккала томонда ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадини кўзловчи фуқаролар, мулкдорлар иштирок этишлари мумкин. Маъмурий суд ишларини юритишда мансабдор шахслар жисмоний шахс сифатида эмас, балки ўзи фаолият кўрсатаётган идора, ташкилотнинг вакили сифатида иштирок этади. Шикоятчи низолашаёт-

ган хатти-ҳаракат ҳам ушбу шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажаришга қаратилган хатти-ҳаракат сифатида талқин этилади. Бир сўз билан айтганда, Оммавий-ҳуқуқий муносабатлар ўзида бир тарафда фуқаро (юримдик шахс), иккинчи тарафда эса мансабдор шахс (ижро ҳоқимияти органи) ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардир.

Жумладан, тегишли органларнинг паспортдаги миллати ҳақидаги ёзувни ўзгартиришни ёки чет элга чиқишга рухсат беришни рад этганлиги давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг маъмурий ҳудуд ташқарисига товарлар ва маҳсулотларни олиб чиқишни чеклаш тўғрисидаги, қўшимча бож ва йиғимлар белгилаш тўғрисидаги қарорлари, маъмурий жазога тортиш ваколатига эга бўлмаган шахснинг жарима солиш ва бошқа маъмурий жазоларга тортиш, кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этиш ҳақидаги қарори ва ҳоказолар юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Жумладан, юридик ёки жисмоний шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган тақдирда, давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг қарори юзасидан суд тартибиде шикоят қилишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 15-сонли қарорининг 3-бандига кўра, агар ариза (шикоят) маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш тўғрисида берилган ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берила-

ётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмас.

Ўзaro боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилади. МСИЮтКнинг 27-моддасида маъмурий судлар томонидан ҳал этиладиган ишлар рўйхати белгиланган. Шу билан бирга маъмурий судлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган, қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам ҳал қилади. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисида, сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисида, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлash устидан шикоят қилиш тўғрисида, нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисида, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар маъмурий судлар томонидан ҳал этилади.

Фуқаролар ва ташкилотлар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар бўйича ташкилот мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризалар маъмурий судга тааллуқли эмас.

Фуқаролик процессуал кодексининг 26-моддаси 6-бандига асосан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқлидир. Фуқаролик процессуал кодексининг 23<sup>1</sup>-бобида



корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни юритиш хусусиятлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг 25-моддасида назарда тутилган юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар, банкротлик тўғрисидаги ишлар, ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар, корпоратив низолар бўйича ишлар, чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишларнинг асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муайян иқтисодий талаб ётади. Шунга кўра, ИПКнинг 25-моддаси биринчи қисмида иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиладиган иқтисодий ишлар, 25-моддасининг биринчи қисми 1-банди ва 26-моддасида эса улар томонидан кўриб чиқиладиган иқтисодий низолар белгиланган, деб ҳисоблаш мумкин.

Иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиги деганда юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар ўртасида шартнома тузиш жараёнида ёки шартнома шартлари бажарилмаганда ёхуд шартнома билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисидаги низоли иқтисодий талабларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш қонун ҳужжатлари билан қайси давлат ҳокимияти органи ёки мансабдор шахси ёхуд шартнома асосида нодавлат орган ваколатига берилганлиги тушунилади.

Давлат органлари деганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатида кўрсатилган вазирликлар, давлат кўмиталари, агентликлар, кўмиталар, марказлар, инспекциялар ва уларнинг ҳудудий органлари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 22-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари) ва ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи ҳужжатлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган бошқа органлар тушунилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деганда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги



Ўзбекистон Республикаси қонуни 8-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари тушунилади. Мансабдор шахс деганда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланган ёки сайланган, давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс тушунилади. Олий суд Пленумининг 2018 йил 19 майдаги “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 15-сонли қарорининг 4-бандига кўра, давлат органлари ва улар мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ қабул қиладиган қарорлари ёки амалга оширадиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар маъмурий судга тааллуқли эмас. Хусусан, дастлабки тергов органининг мол-мулкларга банд солиш, молия-хўжалик фаолияти бўйича ҳужжатли тафтиш тайинлаш ва бошқа ҳолатлар юзасидан қабул қилган қарорлари ЖПК асосида, назорат қилувчи органининг фуқарони ёки мансабдор шахснинг маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш, улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ишлар МЖТК талаблари асосида кўрилади.



**Учқун САМАНДАРОВ,**  
Судьялар олий мактаби  
тингловчиси

## СУДЬЯЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ФАҚАТ ҚОНУНГА БЎЙСУНИШИ ПРИНЦИПНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*Ушбу принципнинг амал қилиш кўрсаткичи биргина унинг норматив тартибга солинганлигига боғлиқ бўлмай, балки давлатда мавжуд бўлган миллий-ҳуқуқий анъаналар, урф-одатлар, ҳуқуқий тизим ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси, халқнинг менталитети, шунингдек мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш ҳолати ҳам жуда катта роль ўйнайди.*

Мустақиллик судьяга одил судловни амалга оширишда кенг ҳуқуқларни тақдим этибгина қолмай, судьяга бажариши мумкин бўлмаган муайян чекловларни ҳам юклайди. Ушбу чекловлар процессуал қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан 2018 йил 29 январда қабул қилинган Судьялар одобахлоқ кодексига ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, судья одил судловни амалга ошираётганда суд процесси барча иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда, ҳар қандай бевосита ёки билвосита ташқи таъсирлар, ниятлар, босим ёки аралашилардан қатъи назар мустақил ҳаракат қилиши, фақат фактларни баҳолашдан келиб чиқиши ва ички ишончига асосланиб, қонунга ва ҳуқуқий онгига амал қилиши шарт.

Бундан ташқари, судья фаолиятининг оммавий муҳокама қилиниши, унинг номига билдириладиган танқидий фикрлар у чиқарадиган қарорнинг қонунийлиги ва асослигига таъсир этмаслиги лозим.

Мазкур принцип ўзаро боғлиқ икки элементдан иборат бўлиб: улардан бири, судьянинг одил судловни амалга оширишда мустақил эканлигини, иккинчиси эса одил судловни амалга оширишда барча судьялар

фақат Конституция ва қонунга бўйсунганини белгилайди.

Юқорида номи қайд этилган барча ҳуқуқ нормаларида судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашига йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашини қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

Судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунгани принципини ҳуқуқшунос олим Т.В.Сахнова куйидагича изоҳлайди: “Суд ишни кўриш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширади ва унда у бутунлай мустақилдир. Ишни қандай ҳал қилиш, қайси қонунга амал қилиш ҳақидаги бошқаларнинг фикри суд учун мажбурий эмас... Ҳеч ким, шу жумладан юқори суд судьяга ишни қандай ҳал қилиш, қандай қонунни қўллаш тўғрисида кўрсатма беришга ҳақли эмас”.

Ушбу принципнинг мазмун-моҳияти, унинг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганлиги билан очиб берилганлигидадир. Шу ўринда, икки ҳолатни қайд этиш лозим. Биринчидан, амалдаги тартиб судьяларнинг мустақиллигини кафолатлайдиган умумий позицияга асосланади ва у нафақат жорий қонунлар билан, балки конституциявий тартибга солинганлиги, иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган судьяларнинг дахлсизлик ҳуқуқи, уларнинг моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватланиш чора-тадбирлари судьялар мустақиллиги кафолатлари билан боғлиқ нормаларни белгилайди.

Амалга ошириш кафолатларининг хилма-хиллиги ва уларнинг кўп қирраллиги билан мустақиллик принципини бошқа ҳар





қандай принцип билан таққослаб бўлмайди. Ҳуқуқий-илмий адабиётларда анъанавий тарзда ушбу принципнинг кафолатларига катта эътибор қаратилиши бежизга эмас. Ҳуқуқшунос олим В.М.Шерстюкнинг фикрига кўра, ҳуқуқий механизм ва амалий кафолатларсиз бу ҳуқуқий принцип фақат декларацияга айланади. Олимнинг фикри билан қуйидаги асосларга кўра келишиш мумкин. Барчамизга маълумки, муайян ижтимоий муносабат ҳуқуқий тартибга солинмас экан уни ҳаётга тадбиқ этиб бўлмайди.

Фанда судьялар мустақиллигининг сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий кафолатларини фарқлаш одат тусига кирган.

Сиёсий кафолатларга судьянинг одил судлов фаолияти субъекти сифатидаги ўзига хос мақомига асосланган тақиқлар киради. Яъни судьяга депутат бўлиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиш, ҳар қандай партияга аъзо бўлиш, тижорат ва нотижорат ташкилотлар, халқаро ташкилотлар ҳамда алоҳида мансабдор шахсларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришда иштирок этиш қонунлар билан тақиқланади.

Судья сиёсий фаолият билан шуғулланмаслиги, сиёсий партияларга аъзо бўлиши, депутат бўлиши ёки ҳакамлик судида фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Қонун судьяга илмий, ўқув, адабий ва бошқа ижодий фаолиятдан ташқари иш фаолиятини, бошқа ҳақ тўланадиган иш билан шуғулланишни тақиқлайди.

Судьялар мустақиллиги принципнинг иқтисодий кафолатлари судьяларнинг моддий ва ижтимоий жиҳатдан таъминланганлик даражасини белгилайди.

МДҲ мамлакатлари орасида Россия Федерациясида судьялар мустақиллигининг кафолатлари қуйидагилар билан белгилаб қўйилган: судьялик мақомига муносиб ҳақ олиши, бепул уй-жой билан таъминланиши, соғлиқни сақлаш ва дори воситалари билан тўлиқ бепул таъминланиши, Судьялар ҳаёти ва соғлигининг мажбурий давлат суғурталаниши, моддий ва ижтимоий нафақаларни имтиёзли равишда қўлланилиши, шунингдек судьяга қарашли мол-мулклар, унинг оила аъзолари ва судьянинг ижтимоий хавфсизлиги, шу жумладан жамоат транспортининг барча шаклларида Россия Федерацияси бўйлаб бепул фойдаланиши.

Судьялар мустақиллигининг ҳуқуқий кафолатлари бу ушбу кафолатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги билан изоҳланади. Ҳуқуқий кафолатлар барча кафолатлар учун хос белги бўлиши лозим.



### **Миллий қонунчилигимизга кўра, судьяларнинг мустақиллиги қуйидагилар орқали таъминланади:**

*уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;*

*уларнинг дахлсизлиги;*

*одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил;*

*қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишининг тақиқланиши;*

*судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;*

*судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш.*

Судьялар мустақиллигининг энг муҳим конституциявий кафолати уларнинг дахлсизлигидир. Ва бу уларнинг давлат ҳимоясида эканлигини билдиради. Судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаландиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқдир.

Процессуал кафолатлар судьяларнинг мустақиллиги принципнинг ҳуқуқий кафолатларининг бир тури ҳисобланади. Бошқа барча кафолатлардан фарқли ўларок, процессуал кафолатлар одил судловни бевосита амалга оширишда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам мазкур кафолатлар махсус қонунда эмас, балки процессуал қонунчилик нормаларида мустаҳкамланади.

Хулоса қилиб айтганда, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi принципи бу судьянинг одил судловни амалга ошириш жараёнида, шунингдек унинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган (шахсий) даври мобайнида давлат томонидан ҳимоя остида эканлигини англатади.



**Муҳтарам РАДЖАПОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош  
прокуратура Академияси Судларда  
прокурор ваколатини таъминлаш  
кафедраси бошлиғи

## СУДЛАРДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ ИНСТИТУТИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ

**Мазкур мақолани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида мавжуд бўлган прокуратура идоралари билан боғлиқ тарихий маълумотлар (норматив характердаги ҳамда идоравий ҳужжатлар), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг архив маълумотлари ўрганилиб таҳлил этилди.**

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларда прокурор иштироки институтининг тарихий ривож, собиқ шўро ва мустақиллик даврларида прокурорнинг суддаги иштирокидан кўзланган мақсадларнинг фарқи, судда прокурор ваколатларини таъминлашнинг процессуал жиҳатлари, миллий қонунчиликимизнинг қайд этилган судлардаги прокурор иштирокига оид нормалари хусусида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** суд, прокурор назорати, прокурорнинг суддаги мажбуриятлари, прокурорнинг суддаги ваколатлари, прокурорнинг суддаги ҳулосаси, прокурорнинг суддаги фикри.

### АННОТАЦИЯ

В статье приведены суждения относительно исторического развития института участия прокурора в судах по уголовным и гражданским делам, а также в экономических и административных судах, отличительные особенности целей участия прокурора в судах в период советского времени и в годы независимости, процессуальные особенности обеспечения полномочий прокурора в судах.

**Ключевые слова:** суд, прокурорский надзор, обязанности прокурора в суде, полномочия прокурора в судах, заключение прокурора в суде, мнение прокурора в суде.

### ABSTRACT

This article discusses the historical development of the institution of prosecutorial participation in criminal, civil, economic, and administrative courts; the differences in the purpose of prosecutorial participation in court in the former Soviet Union and after the independence; procedural aspects of prosecutorial competence in court; the norms of national legislation on prosecutorial participation in courts.

**Keywords:** court, prosecutorial oversight, prosecutorial responsibilities in court, prosecutorial powers in court, prosecutor's conclusion in court, prosecutor's opinion in court.

Тарихий ҳужжатларни ўрганишдан маълум бўлишича, 1917 йилдаги Октябрь революциясидан аввал Туркистон ҳудудида хонлик ва амирликларнинг бошқарув органларидаги қозилари амалда бўлган шариат нормаларига мувофиқ иш юритиб, уларнинг фаолияти хонлар, амирлар, жойлардаги беклар томонидан назорат қилинган.

Ислон қонун нормаларига қатъий риоя қилинишини таъминланишида қози ва бийлари муҳим ўринни эгаллаган. Қози ва бий судлари жиноий ва фуқаролик ишларини, оила-никоҳ низоларини шариат ва бошқа ёзилмаган урф-одат нормалари асосида ҳал этиб келганлар.

Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг 1922 йил апрель ойидаги қарорига асосан Туркистон Республикасида Давлат прокуратураси институти жорий этилиб, унинг асосий ваколат йўналишлари белгилаб берилган. Ушбу йўналишлардан бири – суд органлари устидан назорат сектори бўлган<sup>1</sup>.

**Мазкур тарихий ҳужжатга асосан тасдиқланган “Прокуратура тўғрисида”ги Низомга кўра, суд назорати сектори қуйидаги ваколатларни амалга оширган:**

– суд органлари устидан назорат (жиноят ишлари бўйича давлат айбловини қувватлаш ва судларнинг жиноят ишлари бўйича асосиз қарорлари ҳамда маъмурий жазо тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган барча органларнинг қарорларига кассация тартибида ва Олий суд назорати тартибида протест келтириш);

– судларда кўриб бўлинган ҳамда кўрилаётган фуқаролик ишлари бўйича келиб тушган ариза ва шикоятларни ҳал қилиш;

- республика прокурори томонидан назорат тартибида ўрганиш учун чақиртирилган фуқаролик ишлари бўйича хулосалар ёки протестлар лойиҳаларини тайёрлаш;
- Олий суднинг фуқаролик судлов ҳайъатида фуқаролик ишлари кўрилишида иштирок этиб, иш юзасидан фикр билдириш;
- ер комиссиялари томонидан ҳал этилган ер қонунчилигининг ижроси билан боғлиқ ишларни ўрганиш;
- арбитраж комиссияларининг фаолиятини назорат қилиш;
- судларнинг фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётини ўрганиш;
- қуйи прокурорларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини ўрганиш ва баҳо бериш;
- соҳадаги ишларни режалаштириш ва ҳисобот тайёрлаш.



Туркистон Республикаси прокуратурасининг 1920 йилнинг 23 мартдаги №24-сонли Циркулярига асосан судларда жиноят ишлари кўрилишида давлат айбловчилари сифатида терговчилар ҳам иштирок этишлари мумкинлиги, бироқ бу қоида ўзлари томонидан тергов олиб борилган жиноят ишларига тааллуқли эмаслиги белгиланган<sup>2</sup>.

ЎзССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1936 йил 29 майдаги қарорига асосан ЎзССР прокуратурасида фуқаролик бўлими ташкил этилган.

Мазкур қарорга кўра, “меҳнаткашларнинг моддий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, судларнинг фаолияти устидан доимий назоратни амалга ошириш мақсадида ЎзССР прокуратурасида фуқаролик ишлари бўйича махсус фуқаролик бўлими” ташкиллаштирилган бўлиб, ушбу бўлимда прокурорларнинг судларда фуқаролик ишлари кўрилишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган бутун фаолияти жамланиши лозимлиги ҳамда туман ва шаҳар прокурорларининг ушбу йўналишдаги ишлари устидан раҳбарликни амалга ошириши белгиланган<sup>3</sup>.

ЎзССР прокуратурасининг 1937 йил № 3-сонли Циркулярига асосан халқ судлари ва прокуратура ўртасида шундай ахборот алмашинуви белгиланган эдики, унга кўра прокурор иштироки шарт бўлган фуқаролик ишларининг кўрилиши ҳақида прокурорлар олдиндан билишлари керак бўлган<sup>4</sup>.

Совет Иттифоқи ва бошқа иттифоқдош республикалар жиной суд ишларини юритиш Асосларининг 20-моддасига мувофиқ собиқ иттифоқ Бош прокурори ва унга буйсунган прокурорлар жиноят суд процессида қонунларнинг

аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишлари шарт бўлган.

Собиқ иттифоқдош республикалар гражданлик суд ишларини юритиш Асосларининг 14-моддаси фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор назорати нормасига бағишланган бўлиб, прокурор ушбу жараёнда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириши лозим эди.

Мазкур қонун ҳужжатларига асосан жиноят ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш прокурорнинг мажбурияти сифатида белгиланган эди.

Прокурорнинг ушбу судлардаги иштирокидан кўзланган мақсад судлар томонидан ишларни қонуний кўрилишини назорат қилишдан иборат бўлиб, судларда жиноят ва фуқаролик ишлари кўрилишини назорат қилиш функциясини амалга оширувчи прокурор судларга жиноят ишлари ва даъво аризалари (аризалар) келиб тушган ва рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, ушбу жиноят ишлари ва даъво аризалари (аризалар) бўйича кўзғатилган ишлар ўзининг якуний ечимини топган ва суд қарорлари ижрога қаратилган (суд ижрочилари судлар таркибида бўлиб, суд раисига буйсунар эди), шунингдек суд қарорлари ижроси даврида ҳам судлар томонидан процессуал қонунчиликка риоя этилиши аҳволини назорат тартибида текшириш ҳамда текшириш натижаларига кўра, прокурор таъсир чоралари қўллаш ваколатига эга эди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозим-ки, ўзгалар манфаатларида судга даъво аризаси киритган прокурор суд муҳокамаси яқунланиб, тарафлар музокарасига ўтилганидан сўнг икки

маротаба сўзга чиқар эди, биринчи маротаба даъво кўзғатган шахс сифатида ва иккинчи маротаба иш бўйича хулоса бериш учун прокурор сифатида.

Шунингдек, прокурор фуқаролик суд процессининг ҳар қандай босқичида ишга киришга ҳақли эди.

Бу қайд этилган ҳолатлар эса шубҳасиз, тарафлар тенглиги тамойилига салбий таъсир қилмасдан қолмас эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг кенг кўламда бошланган суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида суд процессидаги прокурорнинг бошқа тарафлар билан тенглигини таъминлашга қаратилган бир қатор ўзгартишлар қонунчиликка киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги 477-I-сон қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 46, 47-моддаларига жиддий ўзгартишлар киритилиб, унга кўра, прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Бундан ташқари, суд жараёнида иштирок этган прокурор иш мазмуни юзасидан, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича эндиликда хулоса эмас, балки ўз фикрини баён этиши белгиланган<sup>5</sup>.

Ўз навбатида, республика прокуратура органларининг мазкур йўналиш фаолиятида ҳам бир қатор ўзгаришлар амалга оширилган.

Агар, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг мазкур йўналишдаги фаолияти даставвал “Судларда жиноят ва фуқаролик ишлари кўрилишини назорат қилиш” деб номланган бўлса, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг кенг кўламда бошланган суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида ва суд идораларини мустақил суд ҳокимияти

сифатида шакллантириш баробарида Ўзбекистон Республикаси прокурорининг 1992 йил 6 июндаги № 469-сон ҳамда № 470-сон буйруқлари билан йўналиш “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлигини назорат қилиш” ва “Фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлигини назорат қилиш” деб ўзгартирилган бўлиб, бунда прокурорнинг назорат функцияси суд қарорларининг қонунийлигини таъминлашга қаратилган<sup>6</sup>.

Мазкур йўналишдаги ишлар давом эттирилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1993 йил 24 июлдаги № 7-сон ҳамда 1997 йил 3 июлдаги № 312-сон буйруқларига асосан мазкур фаолият йўналиши судларда жиноят ва фуқаролик ишларини кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш деб ўзгартирилган<sup>7</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1994 йил 14 июлдаги “Судларда фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколати таъсирчанлигини ошириш ҳақида”ги буйруғига асосан хўжалик ишлари бўйича иштирокни судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш йўналиши бўйича фаолият олиб борган ходимлар таъминлаб келганлар<sup>8</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 июндаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тузилмасида судлар томонидан хўжалик ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг ваколатларини таъминлаш бўлимини ташкил этиш тўғрисида”ги № 320-сон қарори қабул қилиниб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тузилмасида судлар томонидан хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими ташкил этилиши белгиланди<sup>9</sup>.

Бош прокурор томонидан 1997 йилнинг 27 июнида № 305-сонли буйруқ қабул қилиниб, Бош прокуратура тузилмасида “Судларда хўжалик ишларини кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш” бўлими ўз фаолиятини бошлади<sup>10</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг № 173-сонли бир қатор қуйи прокуратураларнинг штатлар тизимига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги буйруғи 1998 йилнинг 21 апрелида қабул қилинган.

Ушбу буйруқ билан Тошкент шаҳар, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоят прокуратураларининг штатлар тизимига ўзгартиришлар киритилиб, мазкур прокуратураларнинг ҳар бирида биттадан прокурорнинг судларда хўжалик ишларини кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича ёрдамчиси лавозими жорий қилинган<sup>11</sup>.

Прокурорлик фаолиятининг ушбу йўналишига оид Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1998 йил 31 мартдаги “Хўжалик судлари-



да ишларни кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги № 27-сон буйруғига кўра, мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимояловчи ва улардан эркин фойдаланишни таъминловчи қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг ижроси тўлиқ таъминланиши прокурорлар олдида турган вазибалардан бири сифатида қайд этилди.

Мулкка яқка эгалик қилувчи давлат корхона ва ташкилотлари ўртасидаги низоларни ҳал этувчи, чекланган имкониятларга эга бўлган арбитраж тизимидан воз кечилиб, мулкнинг турли шакллари асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкий низоларини ҳал этувчи хўжалик судлари ташкил этилганлиги муносабати билан ушбу йўналишда хизмат қилувчи прокурорлардан хўжалик судларида ишларни кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш, қабул қилинаётган суд қарорларининг қонунийлигини ўрганиб бориб, ноқонуний суд қарорларига тегишли равишда муносабат билдирилиши талаб этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор иштирокини таъминлашга оид кейинги соҳавий буйруқларда ҳам (11.05.2004 й. №23-сон ҳамда 17.11.2015й. №125-сон) прокурорлар олдида ўз ваколатларини судларда малакали амалга оширишлари талаб этилган.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4966-сон фармони<sup>12</sup> билан илғор ҳорижий тажрибани ўрганиш асосида мамлакатимизда илк маротаба давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январдаги ЎРҚ-462-сон қонуни билан тасдиқланиб, 2018 йилнинг 1 апрелидан кучга киритилди<sup>13</sup>.

Президентимизнинг 18.04.2017 йилдаги "Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида"ги ПФ-5019-сон

фармонида 1-илова билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ташкилий-штат тизими тасдиқланиб, унда маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси ўрин эгаллади<sup>14</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлда "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан ҳам қонунчиликка прокурорнинг суддаги иштирокига оид бир қатор янгиликлар киритилиши назарда тутилмоқда.

Чунончи, фармон билан мавжуд суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари томонидан суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш, прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чақириб олиб ўрганиш ҳамда қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш тартибини жорий этиш белгиланди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. ДМА маълумотлари. Фонд – 1710, рўйхат –1, иш жилди – 72;
2. МДА, Фонд-38, 2-сонли рўйхат, назорат иши -73;
3. Марказий Давлат архиви маълумотлари Фонд – 837, жилд – 14, назорат иши – 105;
4. МДА маълумотлари Фонд 1710, жилд – 10, назорат иши – 5;
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-си, 1997 й., 9-сон;
6. Фонд – 1710, рўйхат – 1, иш жилди – 23;
7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг архив маълумотлари. Фонд-1710, рўйхат – 1;
8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг архив маълумотлари. Фонд -1710, рўйхат -1;
9. Yurida электрон дастури ВМнинг 320-сон қарори;
10. БП архив маълумотлари, Фонд-1710, рўйхат-1;
11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг архив маълумотлари, Фонд - 1710, рўйхат- 1, иш жилди – 276;
12. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 109-модда; ҚҲММБ, 29.09.2017 й., 06/17/5195/0033-сон; 20.07.2018 й., 06/18/5487/1543-сон;
13. ҚҲММБ, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон; 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон;
14. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон;
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони. [Электрон кутубхона] <http://uza.uz/oz/documents/sudlar-faoliyatini-yanada-takomillashtirish-va-odil-sudlov-s-24-07-2020>, Қаралган вақти 26.07.2020 й.



**Миркомил  
МИРМАКСУДОВ,**

Ўзбекистон  
туманларара  
иқтисодий суди  
раиси

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ВА ЦИН ИМПЕРИЯСИ (ХИТОЙ) ШАРТНОМАСИ

Қўқон хонлиги (1709-1876 йиллар) ўзининг юксалиш даврида ҳозирги Тожикистон Республикасининг марказий, ғарбий ва жанубий вилоятларини, Қозоғистон Республикасининг жанубий, шарқий ҳудудлари ва Қирғизистон Республикаси ҳудудларининг маълум бир қисмини эгаллаган<sup>1</sup>. Цин империяси 1759 йилда Шарқий Туркистонни босиб олиши билан хонлик шарқда Хитой билан чегарадош давлатга айланган. Шарқий Туркистон босиб олингандан сўнг унинг ҳукмдори Саримсоқхўжа авлодлари Қўқон хонлиги ҳудудидан паноҳ топган.

Хитой ҳукмдорлари Қўқон хонлигининг сақлаб турилиши эвазига савдо муносабатларига бир қанча имтиёзлар берган. Масалан, 1809 йилги Хитой императори Цзяциннинг фармонига кўра, шу йили Қашқарга келтирилган Қўқон хонлиги товарлари бождан тўлиқ озод қилинган, келгусида келадиган товарлар учун боғлар икки маротаба туширилган. Бироқ, Саримсоқхўжанинг ўғли Жаҳонгирхўжа 1822 йилда Қўқон хонлигидан қочиб кетишга муваффақ бўлади, 1826-1827 йилларда Шарқий Туркистонда кўзғолон кўтаради, кўзғолончиларни қўллаб-қувватлаш учун Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1842 йиллар) 1826 йилда Қашқарга кўшин тортиб боради, бироқ тезда орқага қайтади. Жаҳонгирхўжанинг Шарқий Туркистондаги ҳукмронлиги 9 ой давом этади ва Хитой армияси томонидан бостирилади. Хитой давлати Қўқон хонлигини Жаҳонгирхўжа кўзғолонида айблаб, Қўқон хонлиги савдогарларини Шарқий Туркистонда таъқиб остига олади. Шундан сўнг 1830 йилда Муҳаммадалихон Қашқарга Жаҳонгирхўжанинг акаси Муҳаммад Юсуфхўжа бошчилигида ўз ҳарбий саркардалари билан кўшин юборади. Бир вақтнинг ўзида Тошкент ҳокими Лашкар қушбеги Или дарёси бўйларида ҳужум уюштириб, мазкур ҳудудларда Қўқон хонлиги ҳукмронлигини мустаҳкамлайди. Натижада Шарқий Туркистон Ғарб тарафдан тўлиғича Қўқон хонлиги билан чегарадош бўлиб қолади, бу ҳолат Хитой маъмурларига ташвиш туғдиради<sup>2</sup>.

Бир вақтнинг ўзида дипломатик алоқалар ҳам тўхтамайди. Қўқон хонлиги ва Хитой ўртасида элчилар алмашинуви давом эттирилади. Қўқон хонлиги элчиси Аълам поччанинг (манбаларда Аълам пошшо, Эшон ҳожи, Охунд Аълам почча исмлари билан ҳам келтирилган<sup>3</sup>) элчилик фаолияти бевосита 1832 йил 13 январдаги Қўқон хонлиги ва Хитой ўртасида тузилган шартнома билан боғлиқдир. Чунки, Аълам

почча Қўқон хонлиги ҳукмдори Муҳаммад Алихон номидан муслмонларнинг муқаддас китоби ҳисобланмиш Қуръони Каримни ушлаб, қасам ичиш йўли билан шартномани имзолаган<sup>4</sup>.

Хитой императори Даогуангнинг 1832 йил 13 апрелдаги фармонига кўра мазкур шартнома бўйича “барча зарурий чораларни кўриш” буюрилади<sup>5</sup>. Шартномада “Манжурлар ҳукумати Шарқий Туркистонда осойишта ҳукмронликни давом эттириш учун бу битимга рози бўлган. Ушбу битимда куйидаги масалалар қайд этилган:

*Шарқий Туркистоннинг олти шаҳрига, яъни, Оксув, Учтурфон, Қашқар, Янгиҳисор, Ёркенд, Хўтонга мол олиб келган барча чет эллик савдогарлардан бож олиш ҳуқуқини Қўқон томонига топшириш;*

*Шарқий Туркистондан Қўқон савдогарлари ва фуқаролари чиқариб юборилганда, уларнинг тортиб олинган мол-мулклари эвазига Қўқон хонига товон тўлаш;*

*бож йиғиб олиш Қўқон хони томонидан тайинланадиган оқсоқол зиммасига юклатилган. Дастлабки оқсоқол Аълам поччанинг ўзи бўлиб, у икки йил давомида Қашқарда истиқомат қилган. Унинг расмий идораси Қашқар ҳисобланган;*

*Шарқий Туркистонга келган барча чет эллик савдогарларнинг идоравий-назорат ишлари юқорида келтирилган Қўқон оқсоқоли идораси билан бирга бажарилган;*

*ўз навбатида, Қўқон томони ўз ҳудудидаги Шарқий Туркистон хўжаларининг Қашқарга ўтиб кетмаслиги кафолатини олади”<sup>6</sup>, – дейилган асосий бандлари бор.*


Баъзи адабиётларда шартноманинг бошқа шартлари ҳам учрайди. Масалан, Хитой императори Жаҳонгирхўжа кўзғолони пайтида олиб кетилган ва Хитойнинг ички вилоятларига қулликка сотиб юборилган Шарқий Туркистон аҳолисини, ўз навбатида, Қўқон хонлиги

Муҳаммад Юсуфхўжа юриши вақтида асир олинган хитойликларни қайтариб бериши<sup>7</sup>, Қўқон хонлиги Шарқий Туркистон аҳолисининг ¼ қисмидан (145 000 атрофида) солиқ ҳамда кўчманчи чорвадор қирғизлар сотиш учун келтирган чорвадан 2,5 фоиз миқдорда солиқ йиғиб олиши<sup>8</sup>, Хитой Шарқий Туркистонда 20 000 кишилик қўшин (шундан 10 000 кишилик Қашқар шаҳрида) сақлаш, қўшинлар шаҳардан ташқарида Гулбоғлар (Хитой ҳарбий истеҳкомлари)да сақлаш каби ҳуқуқларга эгаллиги<sup>9</sup> ҳам келтириб ўтилган. Шунингдек, олимлардан Ж.Флетчер 1830 йилларнинг охирида Қўқон хонлигининг бир қанча савдогарлари Қулжа шаҳрида жойлашганлиги, натижада Или ўлкасида ҳам Қўқон хонлиги оқсоқоллик тизимини жорий этганлигини маълум қилади<sup>10</sup>.

Мазкур шартнома тўғрисида Англиянинг Бомбей ҳукуматидаги форсий котиб В. Уатеннинг Бенгалияда нашр этиладиган “Осиё ҳамжамияти” журналининг 1834 йилги сонида “Қўқон Ўзбек давлати ҳақидаги мемуарлар” номли мақоласида қуйидагилар маълум қилинган: “Қашқарлик мусулмонларни дин қоидалари асосида хоннинг ўринбосари томонидан бошқарилиши, хонга транзит божлардан ҳақ олиш ҳуқуқини бериш, хоннинг қирғизларни ўз назорати остида ушлаши, келгусида Шарқий Туркистондаги ҳар қандай қўзғолонда хоннинг Хитойга ёрдам бериш шартларида Пекиндан (Ўзбеклар Божин деб атайдиган) тинчлик сулҳини тузиш учун элчи жўнатилди.”

Жозеф Флетчер 1832 йилги Қўқон-Хитой шартномасини Хитойнинг биринчи тенг бўлмаган шартномаси деб атаб, қуйидагиларга кўра, 1842 йилги Хитой-Англия шартномасига<sup>11</sup> ўхшашлигини билдирган. Жумладан, ҳудудийлик принципига зидлиги, миллий қонунчиликдан устун турувчи консулларни тайинлаш ҳуқуқини ташқи кучларга бериш. Товон тўлаш ноқонуний бўлишига қарамасдан, мусодара қилинган опиум учун Хитой кумуш билан товон тўлаган. Қўқон хонлиги Хитой ҳудудини ноқонуний равишда босиб олган бўлса-да, кумуш билан товон тўлаган.

“Ҳаққоний ва доимий” тарифлар ҳамда божхоналар ўртасида тўғридан-тўғри муносабатлар. Ж.Флетчернинг фикрича, 1843 йилги шартнома билан Англияга Қўқон хонлигига нисбатан анча тор доирадаги бож ва солиқ имтиёзлари берилган. Кўп имтиёзлар берувчи миллат (most-favoured-nation) шартномаси, савдодаги монополияни бекор қилиниши, хорижий савдогарлар ва Хитой фуқароларига тижорат муносабатларига ҳуқуқ берилиши<sup>12</sup>, кабилар. Шу жумладан, оқсоқол ўз фаолиятини амалга ошириши учун зарур хизматчилар ва ўз хавф-



сизлигини таъминлаш учун ҳарбий соқчиларга ҳам эга бўлган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, оғзаки тарзда тузилган ва 1860 йилларга қадар амал қилган 1832 йилги Қўқон-Хитой шартномасига оид тарихимиз яхши ўрганилмаган. Шартнома олимлар, жумладан, хитойшунослар томонидан ўрганилган бўлса-да, мазкур битим оғзаки тузилганлиги, унинг ижроси бўйича маълумотларнинг камлиги шартномани келгусида атрофлича тадқиқ этиш, авваламбор, унинг ҳуқуқий табиатига баҳо бериш лозимлигини тақозо этади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хонлиқнинг сиёсий харитаси бўйича яқдллик мавжуд эмас. Хорижий олимлар Скотт Левай ва Бак Грамонтлар хонлик харитасини бундан ҳам каттароқ тасвирлайди. В.Уатеннинг мақолаларида ҳамда Қўқон хони Амир Умархоннинг турк султониға ёзган мактубларида эса Россия империяси билан чегара ҳозирги Семипалатинск ҳамда Петропавловск шаҳарлари орқали Иртиш дарёси бўйлаб ўтганлиги баён этилган, шунингдек, ғарбий ва жанубий чегаралари бўйича ҳам фикрлар хилма-хил. Қайд этилганларга кўра, Қўқон хонлигининг сиёсий харитаси юзасидан ҳали тадқиқотлар олиб борилиши лозим. Тўлиқроқ маълумот учун: А) S. Levi “The rise and fall of Khoqand”. Pitsburg, USA – 2017; В) Bacqué-Grammont Jean-Louis. Tûrân, une description du khanat de Khokand vers 1832 [d’après un document ottoman]. In: Cahiers du monde russe et soviétique, vol. 13, n°2, Avril-juin 1972. pp. 192-231” С) Зайченко. “Памиры и Сарыколь” Т. 1903 г;
2. Тўлиқроқ маълумот учун: “Китай и соседи” (М.1982 г.) китобида М. Кутлуковнинг “Взаимоотношения Цинского Китая с Кокандским ханством”-номли мақоласи;
3. Тўлиқроқ маълумотлар учун: Ш.Қўлдашев “Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар” мавзусида тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент 2009 йил; Newby L.J. The Empire and the Khanate. Political History of Qing relations with Khoqand. 1760-1860. – Boston, Brill’s Inner Asian Library. 2005;
4. Қаранг: Ш.Қўлдашев “Аълам поччанинг Хитойдаги элчилик фаолияти”. Тошкент Ислом Университетининг “Илмий тахлилий ахборот” журнали 2017 йил 3-сон, 46-бет;
5. Қаранг: Ким Ходонг. “Holy war in China”. Stanford University Press, Stanford, California – 2004, 28-бет;
6. Қаранг: Ш.Қўлдашев “Аълам поччанинг Хитойдаги элчилик фаолияти”. Тошкент Ислом Университетининг “Илмий тахлилий ахборот” журнали 2017 йил 3-сон, 49-бет;
7. Қаранг: М.Кутлуков “Взаимоотношения Цинского Китая с Кокандским ханством”. Китай и соседи. М. 1982 г. китоби, 211-бет;
8. Қаранг: Ким Ходонг. “Holy war in China”. Stanford University Press, Stanford, California – 2004, 29-бет; М.Кутлуков “Взаимоотношения Цинского Китая с Кокандским ханством”. Китай и соседи. М. 1982 г. китоби, 211-бет.
9. Journal of Asiatic Society. 1834 йил июл, 31-сон. Бенгалия, Ҳиндистон.
10. J. Fletcher. The Cambridge history of China. Vol 10 Late Ching 1800-1911, Part 1. Cambridge University Press 1978, 385-6ет; “Report on the trade and resources of the countries on the north-western boundary of British India” (Лахор. 1862 й) даги “Хитой Туркистонининг қисқача замонавий тарихи”;
11. 1842 йилги Англия-Хитой шартномаси. Нанкин шартномаси деб ҳам юритилади. Англия ва Хитой ўртасидаги 1-опиум уруши якунига кўра имзоланган. Хитой учун оғир бўлган шартларда тузилган. Тарихга “Хитойнинг биринчи тенг бўлмаган шартномаси” номи билан қирган;
12. J. Fletcher. The Cambridge history of China. Vol 10 Late Ching 1800-1911, Part 1. Cambridge University Press 1978, 383-6ет.

## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида шахсни асоссиз ушлаб туриш ёки қамоқда сақлаш, унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини чеклаш, тергов ва суд ишларини юритишда сансалорликка йўл қўйиш каби ҳолатларга барҳам берилмоқда.**

Бироқ, ушбу ҳолатлар жиноят процессида инсон ҳуқуқлари ҳар жиҳатдан таъминланди, бу борадаги барча камчиликлар бартараф этилди дегани эмас, албатта.

Масалан, 2020 йилда “Мадад” муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотининг жойлардаги ҳуқуқий маслаҳат бюроларига келиб тушган жами 74.377 та мурожаатнинг 10.053 таси ёки 13,5 фоизи айнан суд-ҳуқуқ масалаларига таллуқли эканлиги, ушбу соҳада ҳали муайян муаммолар мавжудлиги, уларни тадқиқ этиб, ўрганиш ва натижалари бўйича амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигининг айрим нормаларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Биринчи масала бу қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги суднинг ажрими устидан шикоят бериш тартибини янада такомиллаштириш лозимлигидир.

Маълумки, шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги прокурор илтимосномаси суд томонидан ўша шахснинг бевосита иштирокида кўриб чиқилиши шарт (айбланувчига нисбатан қидирув эълон қилинган ҳоллар бундан мустасно).

ЖПКнинг 241-моддаси иккинчи қисмига кўра, суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги суднинг ажрими устидан мазкур ажрим чиқарилган вақтдан эътиборан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин.

Мазкур қонун нормасининг мазмуни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги суднинг ажрими шахснинг бевосита иштирокида ёки унинг иштирокисиз (сиртдан) чиқарилган бўлса-да, суд қарори устидан гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили томонидан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши мумкинлигини англалади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунига асосан ЖПКнинг 241-моддаси тўртинчи қисм билан тўлдирилган бўлиб, унга кўра сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан у тегишли ваколатли органга келтирилган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида суд тартибида шикоят қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Юқорида баён қилинган ҳолатларни таҳлил қиладиган бўлсак, агар қидирув эълон қилинган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи сиртдан кўрилган тақдирда, унинг ҳимоячиси ушбу ажрим устидан белгиланган муддатда апелляция тартибида шикоят беришга ҳақли ёки йўқлиги аниқ кўрсатилмаган.

Бу эса, амалиётда қидирув эълон қилинган шахс қачонки ушланиб, тегишли ваколатли органга келтирилганидан кейингина ўзи ёки ҳимоячиси етмиш икки соат ичида суд ажрими устидан шикоят қилишига йўл қўйилади деган баҳсли мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Олий суд Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги “Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 16-сонли қарорида ушбу масала юзасидан судларга аниқ тушунтириш берилмаган.

Бу каби ҳолатлар суд амалиётида ҳуқуқни қўллаш борасида айрим тушунмовчиликларни юзага келтириши билан бирга, қидирувдаги шахснинг ўз ихтиёри билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келишига, бундай шахслар сонининг камайишига ҳамда бу борада бюджет маблағларининг тежалишига эришишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Мисол учун қидирувдаги шахсларни топиш ва ушлаш, уларни хорижий давлатлардан Ўзбекистонга экстрадиция қилиш давлат бюджетидан жуда кўп миқдорда маблағ сарфланишини талаб қилади.

Хусусан, “Ҳуқуқ” газетасининг 2019 йил 13 июнь сониде эълон қилинган маълумотларга кўра, 2015-2018 йилларда чет элларда ушланган 1457 нафар қидирувдаги шахсни Ўзбекистонга экстра-



диция қилиш учун давлат бюджетидан 30 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган.

Шахс ҳуқуқлари ҳимоясини янада такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш борасидаги мавжуд муаммони бартараф этиш мақсадида ЖПКнинг 241-моддаси тўртинчи қисмини:

“Агар суднинг шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги сиртдан чиқарган ажрими устидан унинг ҳимоячиси ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддатда шикоят қилмаган бўлса, қидирув давомида ушланган шахс мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан у тегишли ваколатли органга келтирилган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида суд тартибида шикоят қилишга ҳақли” деган таҳрирда баён қилиш таклиф этилади.

Иккинчи масала бу – судда жиноят ишини судланувчининг иштирокисиз муҳокама қилиш давомида ҳимоячининг иштирокини таъминлаш шартлигидир.

Маълумки, ЖПКнинг 410-моддасига кўра, ишнинг судланувчи иштирокисиз муҳокама қилинишига судланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган ва судга келишдан бўйин товлаган, унинг йўқлиги иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаган тақдирдагина ёхуд у суд мажлисида тартибни бузгани, раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмагани ёки судни беҳурмат қилгани учун суд мажлиси залидан чиқариб юборилган тақдирда йўл қўйилиши мумкин.

Бироқ, жиноят ишларини юритишда ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар рўйхати келтирилган ЖПКнинг 51-моддасида жиноят иши судланувчининг иштирокисиз судда муҳокама қилинганда ҳимоячининг иштироки шартлиги назарда тутилмаган.

Ушбу ҳолат эса, суд муҳокамасида бевосита иштирок этмаган судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари жиддий тарзда чекланишига олиб келади. Шу сабабли, ЖПКнинг 51-моддаси биринчи қисмини қуйидаги мазмундаги 81-банд билан тўлдирди таклиф этилади:

“81) ушбу Кодекснинг 410-моддаси тартибида иш судланувчининг иштирокисиз муҳокама қилиниши давомида;”

Шубҳасиз, юқорида таклиф этилган бу қўшимча шахснинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини тўла таъминлашнинг муҳим кафолати сифатида хизмат қилади.

Учинчи масала бу – жиноят ишини судда муҳокама қилиш давомида шахсни қамоқда ёки уй қамоғида сақлаш муддатларини белгилашдир.

Амалдаги ЖПКнинг 245-моддасига кўра, жиноятлар тергов қилинаётганда шахсни қамоқда сақлаб туриш ёки уй қамоғининг муддати кўпи билан уч ойни ташкил этади ҳамда ушбу муд-



дат тегишли тартибда етти ойгача узайтирилиши мумкин ва уни бошқа узайтиришга йўл қўйилмайди.

Ушбу муддатлар фақатгина дастлабки тергов босқичига тааллуқли бўлиб, амалдаги ЖПКда жиноят ишини судда муҳокама қилиш давомида шахсни қамоқда ёки уй қамоғида сақлаш муддатларини белгилаш ва уларни узайтириш тартиби назарда тутилмаган.

Мазкур ҳуқуқий бўшлиқ суд амалиётида судланувчи ёки унинг ҳимоячиси томонидан шахс асосиз равишда қамоқда ёки уй қамоғида сақлаб турилгани тўғрисидаги ҳақли эътирозларига сабаб бўлмақда.

Маълумки, ЖПКнинг 405-моддасига кўра, жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан икки ой этиб белгиланган. Заруриятга қараб, бу муддат тегишли тартибда олти ойгача узайтирилиши мумкин.

Дастлабки тергов босқичида қўлланилган қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг муддати ўтиб кетган бўлишига қарамасдан, шахс суд муҳокамаси босқичида қандай процессуал ҳужжат асосида қамоқда ёки уй қамоғида қанча муддатга қадар сақланиши мумкинлиги аниқ белгиланмагани боис унинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари чекланишига олиб келади.

Таҳлилларга қараганда, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украина каби давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида ушбу масала аниқ тартибга солинган.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш мақсадида, амалдаги ЖПКда жиноят ишини судда муҳокама қилиш давомида шахсни қамоқда ёки уй қамоғида сақлаш муддатларини ҳамда уни узайтириш тартибини аниқ белгилаш таклиф этилади.

Бугунги кунда ЖПКнинг янги таҳрирдаги лойиҳаси муносабати билан юқорида билдирилган таклифлар инobatга олинса мақсадга мувофиқ бўлади.

**Раҳимқул ТОШБОЕВ,**  
**ҳуқуқшунос.**



**Шухрат  
НУРИДДИНОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби  
тингловчиси

## ДАВЛАТ АЙБЛОВЧИСИНING СУД МУҲОКАМАСИДАГИ ИШТИРОКИ

**Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Ушбу вазифаларни бажаришга масъул давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасида прокуратура идоралари алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизими бўлиб, унинг асосий вазифалари – қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.**

